# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 155 (21. 254) 1992 йил 7 август, жума

ОБУНАЧИГА — 1 СУМ 50 ТИЙИН
СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА


# БИРИНЧИ СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

МУСТАҚИЛЛИК ТИНЧЛИК ХАМКОРЛИК
ЎЗБЕКИСТОН
1992·1 сентябрь



## ЮРТ НАСИБАСИ ЕРДА ҚОЛМАСИН

Бугун далада ишловчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Вақт эса зиқ. Пахтакор ғўзаси билан овора, чорвадор қишлов ташвиши билан юрибди. Ғаллакор бўлса юртдошлари насибасини тезроқ йиғиб олиш пайида.

Қамаши районидаги К. Маркс номли давлат хўжалигида ҳам йиғим уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Ғаллакорлар бу йил қабул пунктларига 22 минг тонна дон топширишни мўлжаллашган.

СУРАТЛАРДА: комбайнчи Нурман Ашуров ва (ўнгда) хўжалик раҳбари Раҳматулла Омонов ғаллакорлар даврасида.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

## ХУШХАБАРЛАР

### ЗАНГЛАШДАН МУҲОФАЗА ВОСИТАСИ

**● Фарғонадаги полимер материаллар илмий-тадқиқот институтида кимёвий машина-ускуналарни занглашдан муҳофаза қилиш учун самарали восита ишлаб чиқилди.**

Фуран-эпоксид смола негизида олинган бу эмаль илгари қўлланиб келинган воситалардан юксак механик пишиқлиги, чидамлиги, иссиққа бардош бериши билан яққол ажралиб туради. Фарғоналик кимёгарлар тайёрлаган эмаль кучли кислота ва ишқорли муҳитга ҳам чидамлидир. Бир неча ўн микрон келадиган юпқа полимер қатлами сиртни занг босишдан сақлайди.

### ДЕҲҚОНЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

**● Андижон вилояти Асака районидаги «Соҳибкор» давлат хўжалигида қурилган янги болалар боғчаси 140 нафар кичкинтойни ўз бағрига олди.**

Шундай қилиб, болаларни мактабгача муассасаларга жойлаштиришни сўраб ариза берган хўжалик ходимларининг ҳаммаси мақсадига эришди. Болалар боғчаси кўркам, соя-салқин жойда бўлиб, атрофи гулзор.

(ЎзА мухбири).

● Ўзбекистон ва жаҳон

## ТОШКЕНТДАН—УРУМЧИГА САМОЛЁТ ҚАТНАЙДИ

**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛИК КУРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДА ТАРИХИМИЗДА МУНОСИБ ИЗ ҚОЛДИРАДИГАН ВОҚЕАЛАР СОДИР БЎЛМОҚДА.**

Чунончи, шу кунларда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси навбатдаги янги ҳаво йўлини очишга ҳозирлик кўрмоқда. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент ва Хитой Халқ Республикасининг Шинжонг-Уйғур автоном вилояти маркази Урумчи ўртасидаги ҳаво йўли кашф этилмоқда.

Шу йилнинг 24 август куни — яъни мустақиллик байрамини нишонлашимизга саноқли кунлар қолганда махсус самолёт ҳавога кўтарилади. Бунинг учун ҳозирда ҳаво йўлини очиб борадиган учувчилар экипажи ҳозирланмоқда.

Тошкент — Урумчи ҳаво йўли биринчи парвозида республикамиз турли вазирликларининг масъул ходимлари, авиакомпанияси раҳбарлари ва журналистлар қатнашадилар. Янги ҳаво йўлида самолёт 3,5 соат парвоз қилади. Синов сафари қатнашчилари қардош ўлканинг пойтахти ҳаёти билан танишадилар. Ўша жойда иккала томон авиаторлари келгусида қатновларнинг мунтазамлигини амалга ошириш учун зарур чора-тадбирларни белгилайдилар. Шундан кейин Шинжонг-Уйғур автоном вилояти авиаторлари самолётда Тошкентга жавоб парвози билан келадилар.

Бу бошланаётган хайрли иш Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси раҳбарларининг учрашувларида келишилган умумий аҳдлашувларга биноан амалга оширилмоқда.

А. ХОЖИАКБАРОВ.

## ШИНЖОНГЛИК ОЛИМЛАР ДИЁРИМИЗДА

Хитой Халқ Республикаси Шинжонг-Уйғур мухтор райони Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг делегацияси республикамизда бўлди. Шу академия микробиология институти директорининг ўринбосари, профессор Ши Юй Ху бошчи лигидаги олимлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг бир қанча илмий тадқиқот институтларига бордилар.

Шинжонглик олимлар билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академияси ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти ўртасида турли хил экинлар ҳосилини йиғиштириб олиш юзасидан экспедициялар ташкил этиш, ҳосилни қайта ишлаш, шунингдек қишлоқ хўжалик экинлари навлари ҳамда намуналарини, генетика, селекция, биология, физиология ва бошқа соҳалардаги илмий ахборотларни айирбошлаш тўғрисида келишиб олинди. (ЎзА мухбири).

## ТЕСТ — ОДИЛ СИНОВ

Андижон давлат педагогика институтининг дорилфунунга айлантирилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо қисқа вақт ичида бу ерда муайян ўзгаришлар рўй берди. Кадрлар тайёрлашнинг дунё андозаларига мос услубини ўрганиш ҳамда ҳаётга татбиқ қилиш соҳасида илк қадам қўйилди.

— Олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари анча эскириб қолган эди, — дейди дорилфунун ректори вазифасини бажарувчи Қодиржон Парпиев. — Шунинг учун бир қатор олий билимгоҳларда, жумладан, дорилфунунимизда ҳам тажриба сифатида абитуриентлар тест синовидан ўтказилди.

Режа бўйича 375 ўқувчи янгича усулда имтиҳон топшириши керак эди. Амалда эса 1240 ўқувчи тест бўйича синовдан ўтиш истагини билдириб, ариза берди. Бу университет қабул ҳайъатининг ўқувчилар, ота-оналар орасида олиб борган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарасидир.

Синов бошланиши олдидан ўқишга кирувчилар, ота-оналар, давлат ва йўл ва йўлакчалар чиқарилди.

Лекин хайрли иш энди хотима топаман, деганда «ташаббускор»лар нимагадир ғойиб бўлиб қолишди. Энг ачинарлиси, ёғочларга симлар тортилгач, ишнинг тўхтаб қолгани ёмон бўлди. Қарабсизки, эндигина чароғон кунга етишаман, деб турган халқ орзуси бирдан саробга айланди. Афсуски, ўша тикланган 300 дан зиёд симёғочлар қулаб-қийшайиб тамом бўлибди ҳамки, «Яйлов»ликлар электр нурини кутиб ётишибди.

Хўш, нега энди бундай ўзибўларчиликка йўл қўйилди? Нима учун нор туя қирқ бирига қолганда оқсаб қолди. Бу жумбоққа Хатирчи район электр тармоқлари бўлими, қолаверса райкириш янгиликдир, — деди профессор Баҳром Қодиров. — Бу усул олий ўқув юртларига фақат билимдон, иқтидорли ёшларни танлаб олиш, қабул чоғида таниш-билишчиликка йўл қўймаслик имконини беради. Тест синовидан кейин медалларнинг тақдири ҳал қилинади, мактабларда ўқитиш сифати ўрганилади. Кейинчалик бу усул мактабларда, билим юртларида, техникумларда ҳам қўлланилади.

Шундан кейин Андижон вилояти ҳокимининг муовини Акмал Қосимов тест бўйича имтиҳонга кирувчиларни табриклаб, уларга омад тилади. Абитуриентлар назорат қилиб туриш учун фақат икки холис кишидан иборат имтиҳон хоналарига таклиф этилди. Синовдан ўтувчилар берилган тўрт соат вақтдан унумли фойдаландилар. Ҳар хил саволларнинг ёнига ёзилган бештадан жавобнинг қайси бири тўғрилигини белгиладилар.

Тест тугагач, синов варақаларини махсус назоратчилар иштирокида муҳрлаб, марказга олиб кетишди. Энди баҳони компьютер қўяди. Шуни айтиш зарурки, тест синовида қатнашган ўқувчилар қайси фандан бўлишидан қатъи назар 150 балл олса, дорилфунунга қабул қилинади.

А. ҚУРОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ҚОМИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш шароитида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва истиқболларини аниқлашга доир тахмин ва таҳлил ишларининг юксак даражада бўлишини таъминлаш, миллий ҳисоб-китоблар тизимини изчиллик билан жорий этиш, халқаро меъёрлар ва андозаларга мос келадиган пухта ва ишончли статистика ахборотини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Тараққиёти истиқболларини белгилаш комитети билан Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат комитети негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети ташкил этилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тараққиёт истиқболини белгилаш ва статистика ҳудудий бўлинмалари негизида қуйидагиларни ташкил қилсинлар:

Қорақалпоғистон Республикасида — Иқтисодиёт ва статистика вазирлиги;

республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида — Истиқболни белгилаш ва статистика бошқармалари;

республика шаҳарлари ва районларида — Иқтисодиётни мувофиқлаштириш ва статистика бўлимлари.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур органлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва районларнинг ҳокимларига бўйсунадилар, Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети эса услубий раҳбарлик қилиб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

3. Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

Ўзбекистонни тараққий эттириш, унинг устувор йўналишлари ва ташқи иқтисодий алоқалари стратегиясини ишлаб чиқиш, жаҳон ҳамжамиятига киришни, жаҳон бозоридаги аҳволни эътиборга олган ҳолда республика халқ хўжалиги мажмуини самарали тарзда ихтисослаштириш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-иқтисодий тараққиётининг концепцияларини, қисқа муддатли ва истиқболдаги режаларини, катта иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, халқ хўжалигининг моддий-молиявий мутаносиблиги, табиий, меҳнат заҳираларидан, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш борасидаги тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш;

республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичларини белгилаш ва аниқлаш соҳасида республиканинг иқтисодий органлари, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

республика аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш, унинг энг ночор табақалари ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлашга оид таклифларни асослаб бериш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, экология вазиятини соғломлаштириш йўллари ҳамда йўналишларини белгилаш;

бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнига таҳлилий ва тахминий баҳо бериш, хўжалик механизмини, бошқарув шаклларини ва усулларини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

халқ хўжалиги тузилмасини қайта қуришга ва маблағ сарфлаш сифатини шакллантиришга, рақобатга қодир тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни устун даражада ривожлантиришга, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштиришга, Қорақалпоғистон Республикасини, вилоятлар, шаҳарлар ва районларни комплекс равишда тараққий эттиришга доир таклифларни тайёрлаш;

хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантириш, чет эл маблағларидан самарали фойдаланиш соҳасидаги йўналишларни белгилаш;

ягона статистика сиёсатини ўтказиш, халқ хўжалиги ишларининг таркиб топаётган шароитини бозор муносабатларига ўтишни, нархнаво ўзгаришини, хилма-хил мулкчилик шаклларининг ривожланишини, маълумотларни йиғиш ва уларни ишлашнинг илғор тизимлари жорий этилишини; компьютерлар кенг татбиқ қилинишини акс эттирувчи ҳисобот кўрсаткичларининг илмий асосланган тизимини жорий этиш ҳамда республика ҳисоб марказининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

миллий ҳисоб-китоб ва халқ хўжалиги баланси тизимининг услубиятини ишлаб чиқиш, бутун статистикани босқичма-босқич замонавий халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқ ҳолга келтириш.

4. Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар (бирлашмалар), муассасалар ва ташкилотлар, маҳаллий бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этиш учун мажбурий эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитетининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, комитетнинг Низоми ва тузилмасини тасдиқласин.

6. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг Тараққиёт истиқболини белгилаш комитетини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 13 февралда чиқарган Фармон ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 август.

## ҚИРҚ БИРИГА ЧИДАМАГАН

● Луқма ●

Дарҳақиқат «Қирқига чидаб, қирқ бирига чидамай оқсаган туя» хусусидаги халқ нақлини кўп эшитганмиз. Қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам худди шу хориган туянинг ишига ўхшайди.

Хатирчида нима кўп — олис қишлоқ, тоғ олди ва тоғ орасида ўтов кўп. Бироқ «Олтинсой» давлат хўжалигидан 30 чақиримча наридаги Яйлов қишлоғини олис деб бўлмайди. Давлат хўжалигининг 3-бўлимига қарашли бу қишлоқ — чорва озуқасининг кони. Бу массивдан ҳар йили минг тонна дағал хашак, 150—200 тонна атрофида беда пичани ўриб олинади. Бунинг устига массивда хўжаликнинг юзлаб йилқилари, минглаб қўй ва эчкилари боқилаяпти.

Аммо шундай саховатли ерга — 21 оила истиқомат қилаётган бу қишлоққа ҳамон электр нури етиб бормаган. Қишлоқдагилар ҳали ҳам чироқ ва фонусдан қутилишмаган. Улар учун радио ва телевизор кўриш, жумҳурият янгиликларидан хабардор бўлиш бутунлай ёт. Балки қишлоққа электр ўтказишнинг иложи йўқдир? Ёки бунга тоғу тош имкон бермаётгандир.

Йўқ, фақат эътибор, қунт қилинмаяпти, холос! Агар масъулият тўла ҳис этилганда борми, аллақачон яйловликлар фаровон турмуш кечираётган бўлишарди. Чунки, бундан тўрт-беш йил муқаддам халқнинг қанчадан-қанча пули совурилиб, олис қишлоққа томон симёғочлар тортилди. Оғир шароит бўлса-да, йўл ва йўлакчалар чиқарилди.

Лекин хайрли иш энди хотима топаман, деганда «ташаббускор»лар нимагадир ғойиб бўлиб қолишди. Энг ачинарлиси, ёғочларга симлар тортилгач, ишнинг тўхтаб қолгани ёмон бўлди. Қарабсизки, эндигина чароғон кунга етишаман, деб турган халқ орзуси бирдан саробга айланди. Афсуски, ўша тикланган 300 дан зиёд симёғочлар қулаб-қийшайиб тамом бўлибди ҳамки, «Яйлов»ликлар электр нурини кутиб ётишибди.

Хўш, нега энди бундай ўзибўларчиликка йўл қўйилди? Нима учун нор туя қирқ бирига қолганда оқсаб қолди. Бу жумбоққа Хатирчи район электр тармоқлари бўлими, қолаверса район ҳокимлигидаги масъул раҳбарлар нима деркин? Ахир, шуми энди, халққа, айниқса олис чўл шароитида меҳнат қилаётганларга қўмагимиз?

Наҳотки вақтида уни, шакари етказиб берилмаган чўл кишилари баллонли газ ва электр токидан ҳам қийналса! Ахир, Қизилқум кенгликларидаги энг олис отар ва ўтовга ҳам ҳозир электр нурлари етиб борган-ку!

Яна бир ачинарли томони, «Яйлов» қишлоғида бошланғич мактабнинг йўқлигидир. Билмадик, 21 оиланинг фарзандлари қандай таълим-тарбия олишаркан? Хуллас, луқмамиз ўз эгасини топади, деган умиддамиз.

М. ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## ЧЕГАРАДАГИ ҲОДИСА

Кейинги вақтда Амударёда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини бузиш ҳоллари тез-тез рўй бермоқда. Бундан мақсад, асосан Ўзбекистоннинг қўриқхона ороллари ҳудудидаги дарахтларни кесиш, ов қилиш, қизилмия илдизини тайёрлаш, шунингдек, чегара қўшинлари инженерлик-техника иншоотлари линияси ортидаги ёнилғи-мойлаш материалларини, эҳтиёт қисмларни, шу ердаги халқ хўжалиги иншоотларида меҳнат қилаётган республика аҳолиси шахсий буюмларини ўғирлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинларининг раҳбарлари Ўзбекистон чегарасини бузиш доимий тус олаётгани, чегарани қуролли кишилар бузаётгани, улар чегарачиларга қарши қуролни тез-тез ишга солаётгани тўғрисидаги масалани Афғонистон томони вакиллари олдига бир неча бор қўйдилар. Бироқ, қўшни томон маъмурияти чегарадаги вазиятни изга солиш учун зарур чоралар кўра олмади, чунки чегарани бузиш ҳоллари тўхтамади. Чегара бузувчиларнинг ҳаракатлари эса тобора уюшган тус ола бошлади.

Масалан, шу йил 5 август куни маҳаллий вақт билан соат 18 дан 40 дақиқа ўтганда «Секрет» чегара наряди кўз олдида беш кишидан иборат автоматлар билан қуролланган гуруҳ халқ хўжалиги иншоотларидан бирини дастлабки тарзда қузатгандан кейин давлат мулкини ўғирлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини бузиб ўтди. Чегара бузувчилар чегарачиларнинг огоҳлантиришига жавобан уларга қарата ўт очдилар, яқин атрофдаги ороллдан иккита пулемёт уларга мадад бериб турди. Жангга киришга мажбур бўлган чегарачилар чегарани бузиб ўтган беш кишини қириб ташладилар ва улар гумашталарининг ўт очиш нуқталарини яксон қилдилар. Биз томондан ҳеч кимга шикаст етгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик бошқармасининг жамоатчилик билан алоқа маркази.


«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА 1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

| ОБУНА НАРХИ: | БИР ЙИЛГА — 384 сўм | ЯРИМ ЙИЛГА — 192 сўм | УЧ ОЙГА — 96 сўм |
|---|---|---|---|

## Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

# МУДОФАА ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиқиб, барча давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказа бориб ўз мудофаа қудратини қуролли тажовуздан ҳимояланиш учун етарли даражада сақлаб туради.**

**Ушбу Қонун давлат идоралари ва маҳаллий бошқарув идораларининг Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятини таъминлаш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, бошқариш асосини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.**

**1-модда. Ўзбекистон Республикаси мудофаасининг асослари**

1. Ўзбекистон Республикасининг мудофааси — давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитликни, республика манфаатлари ҳимоя қилинишини ва аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар мажмуидан иборатдир.

2. Мудофаанинг мақсадларига Ўзбекистон Республикасига қарши четдан қилинадиган ҳужумнинг олдини олиш ва ҳар қандай тажовуз қилиниши мумкин бўлган шароитда қуролли ҳимояланишни уюшган ҳолатда қўллашнинг барча зарур шарт-шароитини яратиш орқали эришилади.

3. Ўзбекистон Республикасини мудофаа қилиш Қуролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринасига мувофиқ тажовузни даф этишга доим тайёрлигига асосланади.

4. Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси Қуролли Кучлар тузилишида мудофааланиш кифоя қиларли даражада бўлиши қоидасига амал қилади ва Ўзбекистон Республикаси:

урушни халқаро муаммоларни ҳал этишнинг усули сифатида тан олмаслигидан;

бетарафлик йўлини тутишга интилишидан ва ядро қуролларини яқинлаштирмаслик: ядро қуролларини жойлаштирмаслик, ишлаб чиқармаслик ва сотиб олмаслик қоидасига риоя этишга ҳаракат қилишидан;

бironта ҳам давлатга ҳудудий масалада даъво қилмаслигидан ва бironта ҳам халқни душман деб билмаслигидан;

башарти Ўзи тажовуз объекти бўлиб қолмаган тақдирда бирон-бир давлатга қарши жанговар ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламаслигидан иборатдир.

**2-модда. Ўзбекистон Республикасининг мудофаасини ташкил этиш**

Ўзбекистон Республикасининг мудофаасини ташкил этиш:

ҳарбий сиёсатни, ҳарбий доктринани ишлаб чиқишни ва ҳарбий фанни ривожлантиришни;

тажовузларнинг олдини олиш юзасидан халқаро майдонда тегишли тадбирларни амалга оширишни;

хавфсизликнинг жамоа бўлиб амалга ошириладиган тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўтказишда қатнашиш имкониятларини;

давлат чегараларини қўриқлашни;

ҳарбий-техника сиёсатини, ҳарбий-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни ва Қуролли Кучларни қурол-яроғ, ҳарбий техника билан, ҳарбий-техника ашёлари, озиқ-овқат ҳамда бошқа моддий-техника воситалари билан тўла-тўкис таъминлаб туришни;

халқ хўжалигини, давлат идораларини, бошқарув тизимини сафарбарликка тайёрлашни;

аҳолини ва республика ҳудудини мудофаага тайёрлашни;

Қуролли Кучларнинг керакли тузилмаларини ҳозирлаш, тайёргарлик даражасини кучайтириш ҳамда зарур таркибини ва миқдорини таъминлаш, уларнинг жанговарлик қобилияти, жанговар ва сафарбарлик тайёргарлиги Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган ҳарбий иғвогарликларнинг пайини қирқишни ва тажовузларни даф этишни таъминлайдиган даражада бўлишини;

мудофаа ва ҳарбий қурилишга доир масалаларни қонун йўли билан тартибга солиб боришни ўз ичига олади.

**3-модда. Ўзбекистон Республикасининг мудофаа тўғрисидаги қонунлари**

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа тўғрисидаги қонунлари ушбу Қонундан ҳамда унга мувофиқ чиқариладиган Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши:

мудофаа, ҳарбий қурилиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалаларига доир қонунлар ҳақиқатда бажарилиши устидан парламент назоратини амалга оширади.

Мудофаа концепциясини, ҳарбий қасамёдни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сафарбар этиш ва сафарбарликдан бўшатиш тўғрисидаги, қуролли ҳужум қилинган тақдирда ҳарбий ҳолат эълон қилиш, ҳақидаги, уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги, ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилгач сулҳ тузиш хусусидаги, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича халқаро шартномаларга доир мажбуриятларни бажариш зарур бўлиб қолганда Қуролли Кучларни қўллаш тўғрисидаги, шунингдек Республика манфаатлари учун бошқа вазифаларни ҳал этишга доир фармонларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий масалаларга доир халқаро шартномаларини ратификация қилади ва бекор қилади;

Қуролли Кучларнинг Бош қўмондонига олий ҳарбий унвон беради.

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти:

Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларига қуролли хуруж қилинган тақдирда республика мудофаасини таъминлаш, унинг мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, эркинлигини ҳимоялашнинг зарур чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирини тайинлаб, сўнгра уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

муайян муддатга Қуролли Кучлар тузиш, уларнинг стратегик вазифалари режасини, шунингдек сафарбарлик режасини тасдиқлайди;

давлат идораларининг мудофаа соҳасидаги фаолиятини тартибга солиб туради;

ҳарбий масалага доир умумий кўламда музокаралар олиб боради ва халқаро шартномаларни имзолайди;

Ўзбекистон Республикасига қуролли ҳужум қилинган тақдирда умумий ёки қисман сафарбарлик, уруш ҳолати эълон қилади, айрим ҳудудларда ҳарбий ҳолат жорий этади, ҳарбий вақтнинг норматив ҳужжатларини амалга киритади ва уларнинг амал қилишини тўхтатади. Қабул қилган карорларини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тасдиғига киритади;

қарорлар қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига жанговар ҳаракатлар юритиш тўғрисида, шунингдек фавқулодда ҳолларда улардан фойдаланиш ҳақида буйруқ беради;

юқори офицерлар составини лавозимларга тайинлайди, уларга ҳарбий ҳамда махсус унвонлар беради, шунингдек уларнинг лавозимлари ва унвонларини пасайтиради.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўзига бўйсунадиган тузилмаларнинг мудофаани таъминлаш, Қуролли Кучларни қурол-яроғ, ҳарбий техника ва бошқа моддий воситалар билан таъмин этиш борасидаги фаолиятига раҳбарлик қилади;

мудофаа ва Қуролли Кучлар эҳтиёжлари учун зарур бўладиган моддий-техника ресурслари, озиқ-овқат, буюм ва бошқа ашёлар меъёри ва ҳажмини, ҳарбий хизматга ва муқобил хизматга чақирилиши лозим бўладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг миқдорини ҳамда уларнинг ҳарбий хизматни ва муқобил хизматни ўташ тартибини, ҳарбий хизмат ёшидагилар ва чақирилувчиларни ҳарбий ҳисобга олиш ишини юритиш тартибини белгилаб беради;

ҳарбий хизматчиларни муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш ҳамда ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатиш ва ҳарбий хизмат ёшидагиларни йиғинга чақириш, уруш даврида сафарбар этиш ва сафарбарликдан бўшатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

давлат ва сафарбарлик заҳираларининг моддий бойликларини тўплаш режаларини тасдиқлайди;

халқ хўжалигини сафарбарликка тайёрлаш, сафарбарликни кучайтириш ва уни уруш ҳолати шароитидаги иш тартибига ўтказишга раҳбарлик қилади;

ҳарбий хизматчилар, истеъфодаги ҳарбий хизмат ёшидагилар ва улар оилаларининг, шунингдек хизмат бурчини ўтаётганда ҳалок бўлган, вафот этган, бедарак йўқолган ёки асирликка тушиб қолган ҳарбий хизматчилар оилаларининг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлари, уларнинг моддий, маиший ва пенсия таъминоти масалаларини ҳал этади;

мудофаа соҳасидаги халқаро шартномалар бажарилишини таъминлайди;

ҳарбий-ҳунар таълимига ихтисослашган олий ва ўрта ҳарбий-ўқув юртларини тузади ва уларни тугатади.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги республика Қуролли Кучларининг давлат бошқарув идораси ҳисобланади, ва Қуролли Кучларнинг ҳолати ҳамда уларни янада ривожлантириш учун, жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий интизоми учун тўла жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги:

Қуролли Кучларда мудофаа соҳасидаги ва ҳарбий қурилиш жабҳасидаги давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди;

мудофаа, Қуролли Кучларни тузиш ва ривожлантириш режалари ва концепцияларининг, қурол-яроғларни ва ҳарбий техникани ривожлантириш давлат дастурининг лойиҳаларини, мудофаа эҳтиёжларига пул ажратишга доир таклифларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритади;

ҳарбий қурилиш соҳасида илмий тадқиқотларни йўлга қўяди ва олиб боради;

ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий ашёлар яратиш, ишлаб чиқариш ва ремонт қилишга оид давлат буюртмалари бажарилишини назорат қилади;

Қуролли Кучлар шахсий состави билан ҳарбий, ҳуқуқий, ахлоқий тарбия, шунингдек маънавий-психологик тайёргарлик, ҳарбий кадрларни жой-жойига қўйиш ишларини олиб боради;

ҳарбий хизматдан бўшатилганларга пенсиялар тўланишини, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини амалдаги қонунларга мувофиқ равишда таъминлайди;

халқ хўжалигининг сафарбарлик даражасида тайёрлигини ташкил этишда иштирок этади;

сафарбарлик заҳираларини ҳозирлаш ва қайта тайёрлаш, фуқароларни ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш ҳамда белгиланган хизмат муддатини тугатган ҳарбий хизматчиларни ва муқобил хизматдаги хизматчиларни заҳирага бўшатиш, ҳарбий хизмат ёшидагиларни йиғинга чақириш, шунингдек сафарбарликка чақириш ва сафарбарликдан бўшатиш ишларини режалаштиради ва амалга оширишни ташкил этади;

бошқа давлатларнинг Қуролли Кучлари билан ҳарбий, маданий ва илмий алоқалар ўрнатади.

**8-модда. Бошқа вазирликлар ва идораларнинг ваколатлари**

Ҳарбий буюртмаларни бажараётган вазирликлар ва идоралар бошқарувнинг топширилган тармоқларида мудофаа эҳтиёжларига мўлжалланган зарур маҳсулотларнинг етказиб берилиши учун, тармоқнинг сафарбарлик тайёрлиги учун жавобгар бўлади, тармоқ ҳарбий даврда сафарбарлик тайёрлиги режасига мувофиқ барқарор ишлашини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

**9-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатлари**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари:

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар мудофаани, халқ хўжалигининг сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш соҳасидаги қонунларнинг бажаришлари учун масъул бўладилар;

ҳарбий қисмларга ва муассасаларга зарур маҳаллий маҳсулотлар етказилиб берилишини, улар сув, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланишини амалга оширадилар, алоқа воситаларини берадилар, коммунал-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатадилар;

мудофаа манфаатларини кўзлаб қонунларга мувофиқ ер ажратиб берадилар ва улардан фойдаланишни назорат қилиб борадилар;

қонунларда белгиланган тартибда ҳарбий қисмларга, Қуролли Кучларнинг муассасаларига, ҳарбий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларига хизмат бинолари ва турар жойлар ажратиб берадилар, ҳарбий объектларга, ҳарбий хизматчиларга, уларнинг оилаларига нисбатан қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилинишига йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирлар кўрадилар.

**10-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вазифалари**

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар кимнинг тасарруфида эканликлари ва мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар, давлатнинг ҳарбий буюртмалари ва шартномалар бажарилиши учун қонунда белгиланган тартибда жавоб берадилар, сафарбарлик учун керакли кучларни ва заҳираларни яратадилар ва шай қилиб турадилар.

**11-модда. Фуқароларнинг бурчи**

Ўзбекистон Республикаси унинг ҳудудий яхлитлигини, мустақиллигини ҳимоя қилиш республика фуқароларининг Конституциявий бурчи ҳисобланади.

Бошқа давлатларнинг Ўзбекистонда доимий яшаб турган ёки вақтинча турган фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизматга ва ҳарбий тайёргарлик кўришга мажбур эмас.

**12-модда. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари республика манфаатларини, аҳолининг тинч турмушини, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун барпо этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари:

қонуннинг устунлиги;

марказлашган раҳбарлик ва яккабошчилик;

доимий жанговар тайёргарлик ва сафарбарликка шайлик;

фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбурияти;

умумий хавфсизлик тизимини яратиш;

ҳарбий интизомга риоя этиш;

партиядан холилик;

ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялашишини, таъмин этиш асосида қурилади ва ўз фаолиятини амалга оширади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Қуриқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус ва Миллий Гвардия қўшинларидан иборат бўлади.

Уруш бўлган тақдирда Қуролли Кучлар ўз вазифаларини Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари билан, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари билан ҳамкорликда бажарадилар.

4. Қуролли Кучларни жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси ҳудудини, чегараларини ва ҳаво тегралаларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлашдек стратегик режалар асосида белгиланади ва ҳарбий доктрина талабларига, стратегик ва оператив режалар асосида, шунингдек қўшинларни сафарбар этиб жойлаштириш режасига мувофиқ амалга оширилади.

5. Қуролли Кучларни тузиш «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Қуролли Кучларни тузиш — ҳарбий хизматга шу ҳудуддан ва ҳудуд ташқарисидан чақиришни уйғун ҳолда бажариш орқали амалга оширилади.

6. Қуролли Кучларни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш давлат томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий объектлар ва инвестлар, қурол-яроғларнинг, ҳарбий техниканинг ва бошқа ҳарбий мол-мулкнинг барча турлари давлат мулки ҳисобланади, Қуролли Кучлар тасарруфида бўлади, улар қонунларда белгиланган асосларга биноан ва ваколатлари доирасида бу нарсаларга эгалик қиладилар, улардан фойдаланадилар ва уларни тасарруф этадилар.

Қурол-яроғни, ҳарбий техникани, бутловчи буюмларни ва бошқа мол-мулкни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва таъмирлаш, мудофаа эҳтиёжлари учун озиқ-овқатни етказиб бериш, шунингдек мудофаа манфаатлари йўлида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва қурилиш ишларини бажариш, давлат сафарбарлик заҳираларида сафарбарлик бойликларини яратиш ривожлантириш ва сақлаб қолиш тўла ҳажмда давлат буюртмасига киритилади.

Мудофаа эҳтиёжлари учун давлат буюртмаларининг бажарилиши солиқ, ижара имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар билан рағбатлантирилади.

Қуролли Кучларнинг бинолари, иншоотлари, ҳарбий техникаси, қурол-яроғлари ва бошқа мол-мулки давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин.

**13-модда. Уруш ҳолати, ҳарбий давр**

Уруш ҳолати Ўзбекистон Республикасига ҳарбий ҳужум қилинган тақдирда эълон қилинади ва бу ҳолат бир-бирига қарши урушаётган томонлар сулҳ тузганларидан кейингина бекор қилинади.

Уруш ҳолати эълон қилиниши биланоқ ёки ҳарбий ҳаракатлар амалда бошлаб юборилган дақиқадан эътиборан ҳарбий давр амал қилади ҳамда у ҳарбий ҳаракатлар амалда тўхтатилган кунда ва соатда тугайди.

Республика ҳудудига қўшинлар ёки қуролли гуруҳлар қўққисдан ҳужум қилган ёки бостириб кирган тақдирда ҳарбий бошқарувнинг маҳаллий идоралари уруш эълон қилинишини кутмай ҳужумни қайтаришнинг барча чораларини кўришлари шарт.

**14-модда. Ҳарбий ҳолат**

Ҳарбий хуруж хавфи бўлганида республиканинг айрим ерларида ёки бутун ҳудудида ҳарбий ҳолат жорий этилади.

Олий Бош қўмондоннинг вазифалари ҳарбий ҳолат эълон қилиниши биланоқ Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юкланади. Унинг ҳузурида Мудофаа Кенгаши тузилади, Кенгаш ҳарбий даврда Қуролли Кучларга ва халқ хўжалигига раҳбарлик қилади.

Ҳарбий ҳолат тартиби қонунлар билан белгиланади.

**15-модда. Сафарбарлик**

Уруш ҳолати эълон қилиниши ёки ҳарбий ҳолат жорий этилиши биланоқ Қуролли Кучларни сафарбар этиб жойларга тарқатиш ва иқтисодиётни уруш даври иш тартибига ўтказиш мақсадида умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилинади.

Сафарбарликни ўтказиш тартиби қонунлар билан белгиланади.

**16-модда. Ҳудудий мудофаа**

Ҳудудий мудофаа давлат чегараларини, ҳарбий объектлар ва иншоотларни душман ҳужумидан ҳимоя қилиш, душманнинг десантчи ва қўпорувчи кучларига қарши кураш, шунингдек ҳарбий ҳолат тартибини сақлаб туриш мақсадида ташкил этилади ва амалга оширилади.

Ҳудудий мудофаани таъминлашга жалб этилаётган кучларнинг вазифалари, уларни ташкил этиш ва ҳамкорликда ҳаракат қилиш тартиби Қуролли Кучларнинг сафарбарлик режасида белгилаб қўйилади.

**17-модда. Фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг мудофаа тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлиги**

Фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг мудофаа тўғрисидаги қонунларни бажармаслиги амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**«МУДОФАА ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган дақиқадан бошлаб амалга киритилсин.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:**

**«Конверсия тўғрисида»ги Қонуннинг лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига киритсин;**

**«Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини, давлат идораларини, бошқарув тизимларини сафарбарлик тайёргарлиги тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ва ҳудудини мудофаага ҳозирлаш тўғрисида»ги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси**

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

---

## ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

**Уйчи районидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалиги адирликлар бағрида жойлашган. У ерда боғдорчиликка эътибор ниҳоятда катта. Янги боғлар яратиш ишлари ҳам йил сайин узлуксиз давом этаётганлиги кишини қувонтиради. Яхшидан боғ қолади деганларидек, адирларни бўстонга айлантираётганлар ўзларининг меҳнатларидан мамнун. Негаки, боғлар мева бермоқда. Эл дастурхонига тортилмоқда.**

**СУРАТДА: (чапдан) хўжалик раҳбари Мирзакарим Мамадалиев бригада бошлиғи Ортиқбой Мирзавҳмедов, ижарачи боғбон Салом Маҳмудовлар суҳбатлашмоқда.**

**П. АКБАРОВ олган сурат.**

---

## ДУНЁ ОВОЗИ

**● Россия ҳарбийлари Б. Ельцин билан Л. Кравчук ўртасида Ялтада имзоланган Қора денгиз флотига оид шартнома мавжуд кескинликни юмшата олмайди, деган фикрга келдилар.**

* * *

**● Тожикистонда аҳоли қўлида ноқонуний сақланаётган қуролларни топшириш муддати тугади. Тоғли Бадахшон маркази — Хорогда республиканинг барча снёсий кучлари ва ҳарбийлашган қўшилмалари ўртасида белгиланган муддат давомида бор-йўғи 12 та қурол топширилди, холос. Тожикистон ички ишлар вазирлигидан хабар беришларича, шундай қурол-яроғни мажбуран тортиб олиш мақсадида минг кишилик полк тузилган.**

* * *

**● Грузия давлат кенгаши мамлакатда фавқулодда ҳолатни бекор қилди. Бундан буён ҳар йилнинг 31 июли Грузияда ярашиш куни сифатида нишонланадиган бўлди. Қутлуғ айёмнинг биринчи тантанаси муносабати билан 6 январь ва 24 июнь кунлари давлат тўнтариши қилишга уринганлар ҳибсдан озод этилди.**

* * *

**● Кишиневда жойлашган Россия тасарруфидаги десант полки кузда Абакан шаҳрига кўчириладиган бўлди.**

* * *

**● Россия ўзининг миллий авиакомпаниясини яратмоқчи. Бу янги ҳаво йўллари салтанати аэрофлот негизида ташкил этилади.**

* * *

**● Қувайтда шу араб давлати билан АҚШнинг қўшма ҳарбий машқлари бошланди. Бу тадбирнинг нақадар катта кўламли эканини шундан ҳам билса бўладики, унда АҚШнинг Форс кўрфази ва Ўрта денгиздаги барча қўшинлари иштирок этишяпти.**

**(ЎзА.)**

---

● *Ҳаракатда—баракат*

## ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

**● Ҳаракат қилган, қўшимча даромад манбаларини излаётганлар кам бўлишаётгани йўқ. Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа районидаги «Ленинград» жамоа хўжалиги маъмурияти, бошланғич партия ташкилоти фаоллари ҳам шу фикрда.**

— Пахтачиликкагина кўз тиксак жамоа аъзолари ижтимоий аҳволини тўла кафолатлашга кўзимиз етмай қолди, — дейди жамоа хўжалиги раиси, район Кенгаши ноиби, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси Ғаффор Мадраимов. —Тўғри, кейинги икки йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва олинадиган фойда кўпайди.

Лекин бозор иқтисодиёти шароитида деҳқончиликнинг ўзидан олинадиган фойда озлик қиляпти. Шунинг учун чорвачиликка зўр бериб, кичик корхоналар очишга ҳам эътибор кучайтирилди. Дастлаб ишга туширилган мўъжаз корхоналар хўжаликка қўшимча даромад бера бошлади.

Ўтган йили ғишт корхонаси маҳсулот бера бошлаганди. Бу йил у хўжаликка фойда келтирмоқда. Тикувчилик цехига уйда ўтириб қолган хотин-қизлар жалб этилди. Енгил машиналарни созлаш-таъмирлаш цехи кўпчиликнинг ҳожатини чиқаришдан ташқари, энди у хўжаликка фойда ҳам беряпти.

Кичик корхоналар қўшимча даромад манбаи эканини кўпчилик тушуниб олмоқда. Биринчидан, бундай корхоналар аҳолига хизмат кўрсатишни яхшиласа, иккинчидан янги иш ўринларини яратиб беряпти, учинчидан эса хўжалик аъзоларини ижтимоий кафолатлашга қўшимча маблағ ишлаб топишга ёрдам бермоқда.

Шунинг учун хўжалик маъмурияти бу йил гилам ва палос тўқиш цехи ҳам очди. Ҳозир яна бир хайрли ишга қўл урилди: етиштирилган мева-сабзавотни қайта ишлайдиган цех қурилиши бошлаб юборилди.

Ёрдамчи хўжалик, кичик корхоналар тармоғини кенгайтириб бораётган хўжалик бу йил қўшимча 500 минг сўмдан зиёд фойда олмоқчи. Бозор иқтисодиёти шароитида бу хўжалик аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга мадад беради.

**Р. ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

## ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Республика Ички ишлар вазирлигига қарашли Тошкент олий мактабида тантанали хайрлашув кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён илк маротаба бу ерда уч юз нафар мутахассис олий юридик маълумот билан ўқишни битирди. Улар орасида турли шаҳар ва минтақалардан келганлар кўп. Битирувчилар Россия ўлкаси, Белоруссия, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларида ўз соҳалари бўйича ишларини давом эттирадилар. Бу эса ички ишлар бўлими ходимларининг бир-бирлари билан тажриба алмашишида муҳим аҳамият касб этади.

**И. НИКОЛАЕВСКАЯ.**

---

## МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШАДИ

**● Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йиллигини байрам қилишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Истиқлол шабадаси эсиб турган серқуёш республикамиз меҳнаткашлари бу қутлуғ кунга қизғин ҳозирланмоқдалар.**

Тошкентнинг бош майдони — Мустақиллик майдони байрам шодиёналари ўтадиган ўзига хос марказга айланиши кўзда тутилмоқда. Мўйқалам усталари ва ҳайкалтарошларнинг юксак дидларига хос Мустақиллик тимсоли ўрнатиладиган бу майдонда байрам сайёллари қатори спорт мусобақаларини уюштириш ҳам мўлжалланган.

Тошкентнинг энг катта майдонига кураш гиламини ёзишга чоғланиб турибмиз, — дейди Ўзбекистон миллий кураш уюшмасининг раиси К. Юсупов. Маълумки, республикамизда полвонлар беллашувини ривожлантириш, курашчиларга қулай шароитлар яратишга эътибор билан қаралмоқда. Байрам куни ўтказиладиган беллашувларга барча вилоятлардан сараланган биттадан полвонни таклиф қилиш мўлжалланмоқда. Боиси, Мустақиллик майдонидаги баҳслар республика мутлақ биринчилиги учун ўтказилади. Биз бошлаган бу хайрли ишимизга ҳомийлар ҳам топилди. «Эл» ўзбеклар халқаро уюшмаси раиси Абдурауф Мақсудий мазкур мусобақани ташкил этиш учун 100 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатадиган бўлди. Ўйлаймизки, полвонларнинг бухороча беллашувлари байрам тадбирларини янада мазмундор қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**Ҳ. НОСИРОВ.**

## • ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИГА КЎРА УЧРАШУВ

Шу йил февраль ойида Тошкент давлат университетининг профессор ўқитувчилар жамоаси ўртасида бир гап оралаб қолди: янги ректор келаётган эмиш! Тўхтамурод Жўраев деган. Одамлар орқаворотдан ҳар хил тахминларни бичиб-тўқишди. Биласиз, бизникилар «гипотеза»ларга ўч. Бировлар мамнун: ўзи кўзга кўринган риёзиюн — зукко математик олим эмиш, бунинг устига валломат инсон, дунё ичра ўзи бир дунё бўлган, сизу бизни деб жон фидо қилган мураббий ва устод, марҳум Саъдихон Сирожиддиновнинг шогирдларидан экан. Иншоолло, энди ишлар жўнашиб кетади, дегувчилар кўп бўлди. Элчилик, юртчилик эмасми, «бе!.. Олим бўлса ўзига. Эҳтимол, яхши инсон бўлиши ҳам мумкин. Бу ернинг паст-баландини қаёқдан билади. Олий мактабнинг хусусияти, ўқиш-ўқитиш жараёнининг ички сирларидан бехабар «соф олимга» қийинлик қилмасмикин?» дегувчилар ҳам топилди.

Тўғри, бошидан не савдоларни кечирган, алғов-далғовли бу дунёда кўп шукуҳли воқеалару масъуд дамларнинг гувоҳи бўлган, эндиликда бутун жамиятимиз билан биргаликда инқирозга юз тутиб, маънавий янгиланиш, покланиш палласига кирган, турғунлик фожиаларининг аламини чекаётган ТошДУ сингари кўҳна олий таълим масканига раҳбар бўлиш учун Суқроти ҳакимдай пешонаси дўнг донишманд, қомусий билим соҳиби, мутафаккир олим керак.

Янги ректорнинг сурати ва сийратига дахлдор аломатларни санашдан олдин муҳим бир гапни қайд этайлик. Раҳбар сифатида қўйган дастлабки қадамлариданоқ маълум бўлдики, эввало, у жумҳурият олий таълимида пешқадам бўлиб келган бобокалон университетнинг хийла вазминлашиб қолган ҳозирги мураккаб ва оғир ҳолати, «паст-баланди»ни пухта билар экан. Қолаверса, яна ошкор бўлдики, ўн йиллар давомида қадрдон дорилфунун билан яқиндан алоқада бўлиб турган, риёзиёт факультетида давлат имтиҳон комиссияларига раислик қилганидан ташқари, бу ерда мунтазам дарс олиб борган, махсус таҳсил машғулотлари ўтказиб келган. Соф ўзбекона лафз, илмий мударрислик, домлачилигу ваъзхонлик маҳорати унга бегона эмас экан.

Тўхтамурод Жўраевнинг ҳаёт йўли, фаолият кўлами ўзига хос: Ўрта Осиё Давлат университетининг талабаси (1953—1958 йиллар), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Романовский номидаги Риёзиёт илмгоҳининг аспиранти (1958—1961), шу илмий даргоҳда олдинига кичик, сўнг катта илмий ходим, илмий котиб, дифференциал тенгламалар бўлими мудири, Урозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг зилзилага чидамлилиги илмгоҳининг (1974—1985), кейинчалик қадрдон Риёзиёт институтининг директори (1985—1992), шу йил февралдан бошлаб Тошкент дорилфунуни ректори. Олтмиш иккинчи йили номзодлик, етмиш иккида докторлик диссертацияларини ёқлади. Етмиш тўққизинчи йил жумҳурият академиясига мухбир аъзо, орадан ўн йил ўтиб ҳақиқий аъзо қилиб сайланди. Икки монография, бир юз эллик илмий иш муаллифи, ўттиз нафар фан номзоди, икки фан докторининг илмий раҳбари, кўпгина номзодлик ва докторлик диссертацияларининг расмий мутасаддиси (оппоненти) бўлган. Булғория, Польша, Италия, Туркия каби мамлакатларда илмий маърузалар қилди. Хорижий юртларда фан-техника тараққиёти ва олий таълимнинг аҳволи билан яқиндан танишди.

Муҳим эскартма. Бир инсон ўзининг ҳалол меҳнати, тинимсиз изланишлари, иқтидори ва истеъдоди билан нимагаки эриша олса, Тўхтамурод Жўраев шуларнинг барига эришди. Зотан, оддий рақам, силлиқ саноқлар замирида бетиним мутолаа, фикрлаш, уйқусиз тунларнинг самараси, чўнг меҳнатнинг қут-баракаси, талабаликдан ректорликкача, кичик илмий ходимликдан академикликкача бўлган фаолиятнинг сарҳисоби ясирининг.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, баркамол ва ҳалол олимларнинг ҳаёти қанчалик оғир кечса, шунчалик самарадор, қанчалик самарадор бўлса, шунчалик оғир кечади. Қизиқ. Мудом ёмонларга яхши, яхшиларга ёмон бўлади. «Мевали дарахтга тош отадилар» деганлари шудир-да? Етмиш тўртинчи йили академияга сайловлар арафасида Т. Жўраевни ҳамкасблари мухбир аъзоликка ариза беришга ундашди. «Бир ўринга бир неча ариза тушган бўлса ҳам, Сиз ютиб чиқасиз. Фан доктори, муносиб мутахассис, Беруний мукофоти совриндорисиз. Муҳими: миллий кадрсиз». Сайлов натижалари «миллий кадр» фойдасига бўлмади. Ашаддий байналмилалчи академикларимиз фан доктори Филатовга кўпроқ овоз беришди. Кўп ўтмай, у хайр-хўшни насия қилиб, Москвага жўнаб қолди.

Орадан беш йил ўтгач, Т. Жўраевни мухбир аъзоликка яқдил сайлашди. Машъум саксон тўртинчи йил. Жумҳуриятимиз осмонини қора булутлар қоплаб олган. Марказдан босмачи «мадад кучлар» ёғилиб кела бошлади. Гдлян, Ивановлар жазава билан ишга киришган «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган ваҳимали атамалар тарқалган кезлар. Академия сайловлари тепасида собиқ Марказқўмнинг собиқ бош мэфкурачиси кимларни сайлаш ёки сайламасликни талаб қилиб, ҳукмини ўтказиб турди. Нодон қутурса дононинг ҳолига вой. Устидан кўп чақувлар уюштирилган, пахтада қўшиб ёзиш бўйича «катта жиноятлари» тахмин қилинаётган машҳур раис Ўсарали Жўраевнинг укаси Тўхтамурод Жўраевнинг академикликка номзод бўлиши ҳурковуч, муте кишилар учун аталадан суяк чиққандай гап эди.

Мушоҳада учун бир шингил ахборот. Уч марта Меҳнат Қаҳрамони ган олимлар назарига тушгани, изланишлари, тортган машаққатлари, эришган ютуқлари ва бошқа ибратли воқеалар алоҳида мавзудир).

Олимнинг асосий илмий йўналиши нокласик хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг назариясини яратишдан иборат. Бу табиат ҳодисалари ва техника технологиянинг кўпгина долзарб масалаларини математик қолиплаштириш (моделлаштириш)да катта аҳамият касб этади. У аралаш ва қўшма типдаги тенгламалар учун кенг кўламдаги чегаравий масалалар назариясини яратди. Аэрогазодинамикада ўта муҳим Прондатл номи билан машҳур бўлган чегаравий қатлам тенгламасининг моҳиятини чуқур очиб берди. Унинг тадқиқотлари ва тавсиялари буёғи фазогирлик (космонавтика)дан тортиб то қишлоқ хўжалигигача — тупроқнинг шамол таъсирида нурашига қарши курашиқор қилади, дейдилар. Шу йил январь ойида Талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеалар, бўлак бир қанча олий мактаблар қатори, ТошДУнинг ҳам яшириб келинган дардини оламга ошкор қилди. Бу нохуш ғалаён олий ўқув юртлари ўз қобиғи ва тор манфаатларига бурканиб ётмасдан, талабалар билан юзма-юз кела оладиган адолатпарвар, ишбилармон, некбин, талабчан, босиқ-мулоҳазали, керак бўлганда журъатли, ваъдасининг устидан чиқадиган раҳбарларга муҳтож эканлигини кўрсатди. Тошкент университетига Т. Жўраев номзоди муносиб кўрилди.

Янги ректор факультетларда, ётоқхоналарда бир неча мартадан бўлди, одамлар билан юзма-юз келди, суҳбатлашди. Ўн марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши-да. Дорилфунун жамоасига ташқаридан ўтказиладиган тазйиқ ва таъсирлар,

# ДОРИЛФУНУНГА РЕКТОР КЕЛДИ...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД АҚАДЕМИК ТЎХТАМУРОД ЖЎРАЕВ

Ҳамроқул Турсунқулов тилидан ёзиб олинган «Ҳаёт саҳифалари»дан: «Усар Жўраев — менинг, кексайган одамнинг фахри. Яхши хўжайин ўсиб чиқди. Ишни ҳисобчиликдан бошлаган эди. Қирқ учинчи йили звено бошлиғи бўлди, қирқ бешинчи йили бригадани бошқарди... Энг яхши пахтакорлар қаторида... Ажойиб мутахассис... Усар қобил, ғайратли одам, эпчил, ишбилармон, жамоа ҳурматини қозонган. Менга бирор нарса бўлгудай бўлса, катта жамоани бошқарадиган одам бор...».

Ота вафотидан кейин Усар Жўраев жамоани узоқ йиллар моҳирлик билан бошқарди. Ўзбекистонга «ҳалол»ликни ташқаридан киритмоқчи бўлган ҳаромиларнинг гурзиси у кишининг ҳам бошига тушди. «Пахта иши»дан оғир азият чекди. Ориятга чидай олмаган Усар полвон соғлиғини йўқотди, саксон еттинчи йили бевақт оламдан кўз юмди... Мана, ёруғ кунлар ҳам келар экан, марҳум Усар ака тўла оқланди, ука академик бўлди. Лекин Усар ака буларни кўролмай кетди.

...Яқинда университетимизнинг бир гуруҳ домлалари гурунг қилиб қолишди. Уй олгунча кимнинг қанча жойда ижарада тургани устида гап кетди.

— Менга етадигани бўлмаса керак, — деди проректор Б. Зарипов, — ўн уч жойда ижарада турганман!.. Лекин бу борада ҳам Т. Жўраевга етадигани йўқ экан. У аввал ўзи, кейин оиласи, бола-чақаси билан йигирма жойда ижарада турган экан. Шундай қилиб, рўзғор тебратишда ва турмушда қанчалик азият чекмасин, қавм-қариндошлар олдида ҳам сир бермади. «Ўз ташвишлари ўзларига етиб ортади. Тағин меники тош устига посанги бўлмасин. Бировни ҳижолат қилмайин, яхшимас» деб ўйлади. Қолаверса, қуёвлик ва йиғитлик ғурури ҳам изн бермади. Андиша, орият, ўзбекчилик устун келди.

«Этик оёқни қисса, мияга яхши фикрлар келади» дегандай, кўп яхши ғоялар, муаммолар ва фавқулодда ечимлар кўч-кўронимизни орқалаб юрганда ўз-ўзидан оқиб келган (Т. Жўраевнинг Москвада, Новосибирскда, А. В. Бицадзе, С. А. Олейникдек машҳур риёзиётчилардан олган сабоқлари, М. В. Келдиш, М. Л. Лаврентьевдай жаҳонга донғи кетда катта самара беради. 1982—1987 йилларда халқ хўжалигига илмий-техникавий ишланмаларни жорий этишни тезлаштириш мақсадида ташкил этилган Тошкент илмий марказига раҳбарлик қилди. Республиканинг йирик саноат шаҳарларидаги корхоналарда бўлди. Украина, Белоруссияларга бориб келди, бир қанча масалаларда, жумладан, кукун металлургиясига оид қимматли тавсияномалар берди. Т. Жўраев ва шогирдларининг бир қанча ишлари муаллифлик гувоҳномаси олди.

Тўхтамурод Жўраев ТошДУ ректорлигига тайинлангандан кейин ўтказган илк тадбирларидан бири «Устозлар ёди» бўлди. Шарқ меъморчилиги услубида ишланган муҳташам бинога дорилфунунга обдон меҳнати синган марҳум олим ва муаллимларнинг сурати, улар пойига гулдасталар қўйилди. «Арвоҳ рози — худо рози» дейдилар. Ҳамкасаба мураббийлар, шогирдлар улар ҳақида илиқ гаплар айтишди. Уламолар хатми Қуръон бағишладилар. Ош тортилди. Устозлар арвоҳини ёд этишди. Ректор ўз нутқида устоз С. Ҳ. Сирожиддинов хотирасини алоҳида ҳурмат, эҳтиром билан ёд этди. Раҳбариятда бу устоз-шогирд ўртасидаги қутлуғ ворисийлик аломати эди.

Сир эмаски, янги раҳбар тайинланиши арафасида шонли анъаналарга бой бўлиб келган ТошДУ етакчи олий ўқув юрти сифатида ўз мавқеи ва файзини анча йўқотган эди. Давомат ва ўзлаштириш паст, интизом ҳамин- қадар, кўпчилик домлалар ўз устида ишламай қўйган... Ётоқхоналар хароб, маъмурий — хўжалик, ҳисоб-китоб бўлинмаларида ишлар кўнгилдагидай эмас, самараси кам янги бўлимлар «семириб» кетган. Айниқса, давлат тили ҳақидаги қонун ижроси ниҳоятда суст, ҳуллас, гап кўпу кўмир оз эди. Раҳбариятда масъулият сусайди, рўй-рост эгасизлик, ўзибўларчилик ва расмиятчилик авж олди. Меҳнатига қараб ҳақ тўлашнинг иложи топилмаган экан, лоақал одамларни хизматига яраша муносиб тақдирлаш ишига ҳам путур етди. Булар барчаси жамоанинг хафсаласини пир қилди. Одамлар ўртасида норозилик ва носоғлом кайфиятлар туғила бошлади.

Касални яширсанг, иситмаси ошички ижтимоий-сиёсий иқлим ва жараёнлар ҳақида унда аниқ тасаввур пайдо бўлди.

Дорилфунунга янги раҳбар келди... Кадрлар таркибида ўзгаришлар юз берди. Ўқув гуруҳлари, ётоқхоналарда интизом кучайди. Топширилган иш учун масъулият ҳисси ошди. Ректор ёзда, қабул маҳалида айниқса сергак бўлиши, қаттиқ ишлаш лозимлигини чуқур ҳис этяпти. Шу боис қабулга дахлдор барча муҳим ишларни, чигал тугунларни ўз қўлига олди. Қабул имтиҳонларига инсофли, талабчан ва билимдон одамларни танлади, дафтарларни тамғалаш (шифрлаш)дан тортиб, баҳо қўйилишигача шахсий назорат ўрнатилди.

Академик Т. Жўраев ва сафдошларнинг ТошДУ истиқболини кўзлаб тузган режалари улуғвор. Домланинг мақбул ва жўяли ғоялари «Ўзбекистон овози» рўзномасининг Олий таълим: тажриба ва муаммо рукни остида босилган «Ўзгаришлар йўли» деган мақоласида акс этган. Таҳсил ва сабоқни тадқиқотлар билан қўшиб олиб бориш, омухта қилиш, олий мактабда фанни алоҳида соҳа сифатида ривожлантиришни муаллиф энг муҳим вазифалардан деб билади. Жуда маъқул гап. Яна бир фавқулодда муҳим тавсия — жумҳурият олий таълими бағрида Тошкент Давлат университети билан Техника Дорилфунунига алоҳида мақом берилиши, уларнинг моддий ва моддий техникавий таъминоти республика бюджетида алоҳида банд билан ажратилиши, ўз фаолиятини олиб боришда шоён мустақилликка эга бўлиши шу кунининг энг долзарб талабларидан бири эканлигидир.

Дафъатан олий ўқув юртининг ўқитувчи ёки талабалари билан суҳбатлашиб қолган нотаниш одам «Ректорингиз ким?» деб сўрайди. Бу билан ўқув юртининг тақдири кўп жиҳатдан ректорга боғлиқлигини таъкидласалар керак. Танимаганлар танишсин: ТошДУнинг янги раҳбари академик Тўхтамурод Жўраев бўлади. Яна шуни фахр-ифтихор билан қўшимча қиламизки, Ўзбекистон халқ депутатлигига муносиб номзод танланди.

**Ғайбулла ас-САЛОМ,**
**профессор.**
**Сайди УМИРОВ,**
**доцент.**

## • ХДП ҳаётидан •

### ЯНГИ ҲУЖЖАТ ОЛИШДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгашида янги партия билетларини топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Партиянинг янги ҳужжатларини олганлар орасида меҳнат ва уруш фахрийлари, ёшлар, вилоят раҳбарлари бор эдилар.

Янги аъзолик билетларини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов топширди.

**А. МАННОПОВ.**

### МУҲИМ СИЁСИЙ ТАДБИР

**● Фарғона вилоятида ХДП аъзоларига партия билетлари топшириш давом этмоқда. Ана шу воқеа муносабати билан яқинда бўлиб ўтган йиғилишда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби А. А. Мирсалимов партия асосий ҳужжатлари топширилиши муносабати билан ХДП аъзоларини қутлар экан, бу муҳим сиёсий тадбирнинг партия сафларини мустаҳкамлаш ва жипслаштиришда катта аҳамият касб этишини таъкидлади.**

**Йиғилишда олдинда турган вазифалар ва уларни изчил ҳал этиш режалари ҳақида келишиб олинди.**

**А. ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЭЛ ТАШВИШИДАН БОШҚА ТАШВИШИ ЙЎҚ

**● Ғиждувондаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида кишилар яхши гапини ҳам, ғам-ташвишини ҳам биринчи галда бошланғич партия ташкилотига келиб айтадиган бўлиб қолишди. Бунинг сабаби-партия ташкилотининг жамоа ўртасида обрўси юқори.**

Хўжаликда 138 нафар ХДП аъзоси бор. Ўтган ойларда уларнинг сафига яна 20 киши келиб қўшилди. Куни кеча партия фахрийлари — қишлоқ отахонлари бошланғич ташкилот котиби Иброҳим Норов ҳузурига келиб ўзларига муносиб иш топиб беришни, масалан, ташвиқотчи ва тарғиботчи қилиб белгилашни илтимос қилишди. Бу масала ижроия бюрода кўриб чиқилиб, отахонларнинг истаги бажо келтирилди. Ҳозир хўжаликдаги 23 нафар партия фахрийси тўйларга ҳам, турли хил маъракаларга ҳам бошчилик қилибгина қолмай, партия сўзини одамларга етказмоқдалар.

Бошланғич ташкилот хўжаликдаги энг камбағал ва энг кам даромадли оилаларни ўз оталиғига олган. Шу йилнинг ўтган ойларида правление билан бирга 37 кишининг аризасини ижобий ҳал қилиб, Х. Бозорова, С. Тўймуродова, С. Розиқов сингари кам таъминланган оилаларнинг уйларини таъмирлашга эришди, уларга моддий ёрдам кўрсатди. Бошланғич ташкилот шунингдек, ёшларни касб-кор ўрганишга жалб этиш мақсадида Зарангарида 14-билим юртининг филиали очилишига ҳам эришди. Ҳозир бу ерда хўжаликнинг 35 нафар ўғил ва қизлари касб-кор ўрганмоқдалар. Улар келажакда колхозчилар корига ярайдиган мутахассис бўлиб етишадилар.

Бошланғич ташкилот яқинда яна бир хайрли ишни бошлаб берди. Хўжалик бошқаруви партия ташкилоти таклифи билан қишлоқда консерва цехи ва иссиқхона қурилишини бошлади. Булардан ташқари қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатиш учун учта дўкон, майиший хизмат кўрсатиш уйи қурилиши ҳам яқин орада бошлаб юборилади, пиллачилик агрономлари тайёрлайдиган курс ҳам очилади. Мана шундай ташаббускорлик ҳамда қишлоқ аҳли ташвишлари биринчи навбатга қўйилаётгани сабабли хўжалик партия ташкилотининг обрўси кун сайин ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам одамлар биринчи навбатда шу ерга келиб, ўзларининг севинчларини ҳам, ташвишларини ҳам баҳам кўрмоқдалар.

**Д. БАҲРОНОВ.**

## ХОРИЖИЙ МУХБИРЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

**● Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида хорижий мухбирлар расман рўйхатдан ўтказилаётганини ва улар ўзлари ишлаётган ахборот воситаларининг вакили сифатида иш бошлаганини илгари хабар қилган эдик.**

**5 август куни республика Ташқи ишлар вазирлигида Москвада чиқаётган «Правда», «Рабочая трибуна», «Медицинская газета» мухбирлари ҳам рўйхатдан ўтказилди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Ташқи ишлар вазирлиги таҳлил ва ахборот бўлимининг мудири Аъзамжон РАҲМОНОВдан чет эллик мухбирларни рўйхатга олиш ва юртимизда ишлаш учун уларга имконият яратиш тартиби ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.**

— Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ватанимиз ҳудудида фаолият кўрсатадиган хорижий мухбирларга зарур шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда чет мамлакатлар оммавий ахборот воситалари мухбирлари фаолиятини тартибга солиб туришнинг асосий қоидалари тасдиқланган эди. Биз ҳозир ана шу ҳужжатга асосланиб иш олиб бораяпмиз. МДҲга аъзо бўлган мамлакатлар ва хорижий давлатлар мухбирлари, шунингдек, бошқа идоралар ҳамда ташкилотлар орқали бизга келаётган оммавий ахборот воситаларининг вакиллари республикамиз ҳудудида бемалол батафсил ахборот олишлари мумкин бўлади. Биз эса республикамиз ҳаёти ҳақида холис ва ҳаққоний ахборот юборилишидан манфаатдормиз.

**— Республикамиз шу масалага оид қатор халқаро ҳужжатларга қўшилди, шунингдек, хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари вакилларининг фаолиятига тегишли янги ҳужжатлар ҳам бор.**

— Тўғри айтдингиз, Вазирлар Маҳкамасининг қарорида Ўзбекистон Республикасида ана шу ҳужжатлар қабул қилиниши биланоқ Ташқи ишлар вазирлиги асосий қоидаларга тегишли ўзгартишлар киритиши зарурлиги айтилган.

**— Республикамизда Туркиянинг «Замон — Ўзбекистон» рўзномасининг мухбирлар пункти очилган. Хорижий мухбирларни рўйхатга олиш, мухбирлар пункти ташкил этиш қандай амалга оширилади?**

— Манфаатдор оммавий ахборот воситасининг раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида мухбирлик пункти очиш, ўз мухбирини рўйхатга олиш тўғрисида хат ёзиб бизга мурожаат этиши ёки республикамизнинг тегишли мамлакатлардаги дипломатия вакилларига, консулхона намояндаларига юборишлари керак.

Доимий рўйхатга олинган мухбирларнинг ишлаш муддати икки йил қилиб белгиланган. Вақтинча рўйхатга олинганлар эса республикамизда олти ойгача бўлишлари мумкин. МДҲ давлатларида рўйхатга олинган хорижий журналистлар республикамизга келишдан 10 кун олдин бизга мурожаат этишлари керак. Шуни ҳам айтиш зарурки, хорижий мухбирларни рўйхатга олиш, мухбирлик пунктлари ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида комиссия тузилган. Комиссия тушган аризаларни икки ҳафтада бир марта кўриб чиқади. Ариза билан биргаликда тавсиянома, мухбир ишлаб турган нашрнинг қисқача тарихи ва у қайси йилдан фаолият кўрсатаётгани, неча нусхада ва қайси тилларда босилиши ҳақидаги ҳужжатлар бўлиши керак. Шундан кейин мухбирга рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида рўйхатдан ўтказилган хорижий мухбирлар тегишли мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари ходимлари учун белгиланган тартибда республика ҳудудида юриш ҳуқуқига эгадирлар.

Мустақил Ўзбекистон БМТга, бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлгач, юртимизга қизиқиш ниҳоятда кучайиб кетди. Мустақиллигимизнинг бир йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Ҳозирнинг ўзида жаҳондаги кўпгина мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг намояндалари Ўзбекистонга келиш учун рухсатнома берилишини сўраб мурожаат этишмоқда. Улар орасида Буюк Британиядаги Би-Би-Си телерадио корпорацияси, Германия телевидениеси ва радиоси, Исроил, Хитой, Покистон, Туркия, бошқа мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари бор.

Хорижий журналистлар Ўзбекистон ҳаётини, унинг мустақиллик йўлида олиб бораётган ишларини ҳаққоний ва холис ёритадилар, деб умид қиламиз.

**Б. АБДУЛЛАЕВ.**

## МАТБУОТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар комитетида Матбуот ходимлари билан учрашув ўтказилди. Журналистлар мазкур комитет амалга ошираётган ишлар ҳақида хабардор қилинди. Маълумки, кейинги йилларда халқимизнинг миллий ва диний қадриятлари қайта тикланмоқда, жойларда масжид ва мадрасалар очилмоқда, Исломнинг беш фарзидан бири — ҳажни адо этиш учун тобора кенгроқ имконият яратилмоқда. Буларнинг ҳамма Мовароуннаҳр диний идораси билан ҳамкорликда иш олиб борадиган диний комитет тузишни тақозо этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ шу йил март ойида ташкил этилган бу комитет давлат сиёсатида барча динларнинг вакиллари ва диний ташкилотларнинг манфаатларини акс эттиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига таянган ҳолда иш юритмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашди.

**(ЎзА).**

## • Акс-садо •

### ЎРИНЛИ ТАКЛИФ

Олимнинг изланишлари туфайли Сирдарё бўйидан эрамиздан аввалги 3—2 асрларга мансуб деб қаралаётган қисқа бир матн топилди. У матн топишмоқ характерига эга. Бундан кўринадики, энг қадимги туркий ёзма ёдгорликларидаёқ халқ оғзаки ижоди фаол бўлган, эҳтимол ёзма адабиёт ўрнини босган бўлиши ҳам мумкин. VII—VIII асрдаги такомиллашган ёзма адабиётнинг келиб чиқиши ҳам ўз-ўзидан юз берган эмас. Умуман, туркий халқлар оғзаки ижодининг шаклланиши жуда қадим замонларга бориб тақалади. Туркий халқларининг улкан адабий обидаси «Қўрқут Ота Китоби»да Қўрқут Ота шундай сўйлабди: «Элдан элга қўбиз кезар, бекдан бекка бахши кезар; эр жўмардини бахши билур; рўпарангда куйлаётган бахши бўлсин».

Далилдан кўриниб турибдики, қадимги аждодларимизнинг халқ бахшисига (шоирига) муносабати ҳам ўзгача бўлган. Биз кўҳна ва боқий халқ оғзаки ижоди бебаҳо намуналарининг мероси ҳўри бўлганимиз билан фахрланамиз. Профессор Малик Муродовнинг «Ўзбекистон овози» газетасида босилган «Мустақил уюшма керак» мақоласида тўғри қайд қилинганидек, бугунги кунда ҳам бахшилик анъаналарини давом эттираётган халқ шоирлари кам эмас. Бу табиий ҳол. Зеро, уруғида бўлса урпоғига татийди. Аммо халқ шоирларининг алоҳида уюшмаси йўқлиги сабаб уларнинг фаолиятида парокандалик, баъзан ортга қайтишлар юз бераётир.

Шунинг учун бахши шоирлар уюшмасини ташкил этиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Агар мазкур эзгу иш амалга ошса, келгусида Туркистон бахши шоирлари уюшмасига ҳам асос солиш мумкин.

**Насимхон РАҲМОН,**
**Муҳаммад АҲМАД**
**фольклоршунослар.**

**● Муштарийларимиздан тошкентлик И. Машарипов, М. Исҳоқов, М. Иноятов, шунингдек, самарқандлик фольклоршунос Ҳ. Мавлонов, наманганлик филология фанлари номзоди Д. Қозоқов, тошкентлик олим С. Алимовлар ҳам рўзномамизга махсус мактуб йўллаб, «Мустақил уюшма керак» сарлавҳали мақолада ўртага ташланган таклифни қўллаб-қувватлашларини, жумҳуриятимизда шундай уюшма тузиш вақти етганлигини билдирганлар.**

## • Қатралар •

### ТАЛПИҚ

Эр тўсатдан ётиб қолди. Хотини унинг бошида парвона. Дори-дармонларнинг кети узилмади.

— Дадаси, бир суткадан буён туз тотганингиз йўқ, кўнглингиз тусайдиган бирон овқатни айтинг.

Хотин илтижо устига илтижо қилаверди. Ва, ниҳоят. эрининг қовжираган лаблари пирпиради. Юзлари қуёш шуъласига чўмилгандек бирдан ёришди: ширин туш кўргандай кўзлари ёнди. Шифтга тикилганича:

— Талпиқ, — деб юборди.

«Талпиқ?!» Хотин бу сўзни тушунмади. У эрим алаҳсираяпти, деб ўйлаб ундан қайта сўради. Эри ўша ширин хаёл оғушида бу сўзни дона-дона қилиб такрорлади:

— Талпиқ.

Хотин эридан «Бу қанақа овқат?» деб сўрашга ийманди. Қўшниси Хосият хола миллий таомлар тайёрлаш конкурсида биринчи ўринни олганди. Дарров қўшнисига югурди.

Хайрият, Хосият хола уйда экан. У «Талпиқ» сўзини эшитгач кўзига ёш олди.

— Талпиқ аталадан бўлади, болам. Уруш йиллари шу атала кунимизга яраган. Ҳозир аталани молга беришади. Хўп замонлар ўтди. Талпиқ подшо таом эди ўша йиллари. Бир кило унга юзта талпиқ қилардик. Иккита талпиқ еган одам куни билан тўқ юради. Эринг тушмагур уруш боласи эмасми, талпиқ еган ўша кунларини эслаган, онасини эслаган, эҳтимол, тушига ҳам киргандир.

— Бир суткадан буён ҳеч нарса егани йўқ.

— Ҳозир талпиқ тайёрлаб бераман.

Кампир олдинига хамир ёйди, ундан чалпак қилди, сўнг аталага уннади, унга қаймоқ, сув, шакар солиб қайнатиб пиширди. Чалпак орасига атала солди ва қизиб турган қозондаги ёғда айлантириб, ағдариб олди.

Хотин мазасини кўрди. Мунча ширин! Уйга шошди, совиб қолмасин, деб.

Эр бошини кўтариб, талпиққа узоқ тикилиб турди. «Ол, болам, талпиқ қорнингни тўқ тутади». У онасининг овозини эшитгандай бўлди. Бошини кўтариб, талпиқни иштаҳа билан еди. Кўк чой сўради. Хотини хурсанд.

**Турғун ЖАМОЛОВ.**

### УЙЛАНИБ ҚЎЙГАН БЎЛАРДИ

Салкам қирқ ёшга бориб қолса-да, ўйланмасдан сўққабошлигича юрган дўстидан аллақачон уйланиб, бола-чақалик бўлиб қолган яқин дўсти таажжуб билан сўради:

— Менга қара, дўстим, сен қачонгача уйланмасдан юрасан? Наҳотки сўққабошлик жонингга тегмаган бўлса?!

Сўққабош дўст совуққонлик билан жавоб қилди:

— Ҳозирча сўққабошлик жонимга теккани йўқ. Ахир, бир кунмас бир куни уйланиб ҳам қолармиз.

— Тўғрисини айт, сен ўзи уйланишнинг кераклиги ҳақида мундоқ ўйлаб ҳам кўрганмисан?

— Ҳа, ўйлайман, дўстим. Тўғрисини айтсам, агар уйланиш ҳақида ўйланмаганимда аллақачон уйланиб қўйган бўлардим!

### ИШЁҚМАС БАҲОНАСИ

Ишга қабул қилинганига бир неча ой бўлиб қолса-да, ёлчитиб ишламай юрган бир кишидан бошлиғи сўради:

— Хотирангиздами, сиз ишга қабул қилинаётган пайтингизда мени ишга қабул қилсаларингиз худди арслондай шиддат билан ишлайман, деб сўз бергандингиз. Лекин сўз устидан чиқмаяпсиз-ку? Қўл учида номига ишлаяпсиз, бу қанақаси бўлди ахир, биродар?

Ишёқмас киши лоқайдлик билан жавоб берди:

— Сиз мундоқ ўйлаб кўринг, ахир, Арслон ҳеч қачон ишламайди-ку, ё унинг ишлаганини бирор жойда кўрганмисиз?!...

**Турсунбой МАҲМУДОВ.**

## ШАҲАР КЎЗГУЛАРИ

**● Қадимги ипак йўлининг бир неча сўқмоқлари Туркистон диёридан ўтади. Бу йўллар орқали отабоболаримиз не машаққатлар билан ўзга юртлардан нозу-неъматлар, турли матолар, рўзғор буюмлари олиб келиб, ўз халқини баҳраманд этганлар. Улар карвонларда олиб келган моллар баҳосига 10 фоиз устама нарх қўйганлар, холос. Ўн фоизгача қўйилса савоб, агар ундан ортиб кетса ҳаром ҳисобланган.**

**Ҳозир-чи? Шундай кунлар келди-ки, товарларнинг ўзлари оқиб кела бошлади. Аммо уларнинг нархи кишини чақиб олади. Бирор бир товарнинг нархидан харидорнинг кўнгли тўлганини кўриш қийин. Устама нарх 20 фоиз, баъзи жойларда ундан ҳам ортиқ. Лекин бир товарнинг асл нархи қанча? Нега унинг нархи «қаппайиб» кетяпти? Бизнинг замонавий тижорат сирлари нимадан иборат? Бизнинг кузатишларга қараганда, бугунги тижорат отабоболаримиздан ақида бўлиб қолган ҳожатбарорликдан фарқли ўлароқ ҳалол билан ҳаромни ажратолмай қолган кўринади...**

# 2. ТИЖОРАТ НИҚОБИДАГИ ҚАРОҚЧИЛИК

Ҳозир республикамизнинг барча йирик шаҳарларида, шу жумладан Тошкентда кун сайин очилаётган тижорат дўконларининг сонига етиб бўлмай қолди. Ҳатто тижорат дўконларининг қанчалигини, кимга қарашлигини, қандай иш юритишини, қайси савдо қоидаларига риоя қилишини ҳеч ким, ҳеч бир зот, ҳеч бир идора раҳбари билмайди. Бу хусусдаги саволимизга «Ўзбексавдо» уюшмаси, Ўзбекистон Молия вазирлиги, Тошкент ҳокимиятининг қатор бошқармалари ва уларнинг районлардаги молия ва солиқ бўлимларидаги мутасадди ўртоқлар ҳам аниқ бир жавоб айтолмадилар. Тижорат дўконлари бўйича бирон бир кўрсатма, қонун-қоида, тартиб, йўлланма йўқ. Улар ўз ҳолича, «ўзингни бил, ўзгани қўй» қабилида ишлашмоқда. Ким қандан мол топса, олиб келса, хоҳлаган нархида сотаверади. Мана сизга уддабурронлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик... Фикримизнинг исботи учун биз кўрган ва кечирган воқеалар тафсилоти билан танишинг.

...София кўчасидаги Шайхонтоҳур райони озиқ-овқат савдо идораси қошида очилган кичик корхона «Сатурн» (раҳбари **Қ. Алимов**) тижорат дўконида бўлдик. Пештахталар ғоят ранг-баранг. Мол кўп. Лекин харидор учун биринчи навбатда зарур бўлган энг керакли ва арзон ноз-неъматлар ўрнига спиртли ичимликлар қалашиб ётибди. Гўё одамлар эртадан кечгача ароқ ичадигандек. Ваҳолонки, арақнинг нархи, масалан, «Столичний» арағининг нархи давлат дўконидагидан 20 фоиз ортиқ. Бошқа спиртли ичимликларнинг ҳам нархи осмонда. Унча-мунча одам ёнига йўлолмайди. Шуниси ажабланарлики, тижорат дўкони ниқобида худди Шайхонтоҳур райони озиқ-овқат савдоси идораси (бошлиғи Ғ. Боймуҳамедов) иш кўраётгандек туюлади. Ҳозирда аҳолини давлат дўконлари орқали талонга зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мушкул бўлиб турган бир пайтда, тижорат дўконининг совуқхонаси турли хил танқис озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиб турибди. Буни қандай тушуниш мумкин? Ёки давлат савдо идораси ҳам бутунлай тижоратга мойилми? Уни афзал кўрмоқдами? Нега энди савдо идораси давлат дўконлари учун мўлжалланган «Столичний» каби ароқларни тижорат дўкони пештахталарига чиқармоқда?

Мазкур дўкон фақат июнь ойининг ўзида қўшимча фоиз ҳисобидан 4,5 минг сўм даромад топширган. Мана шу пулни дўконнинг бир ойлик савдо қувватига чоғиштирсак, топширилган пул сариқ чақадек туюлади. Лекин дўкон омборида биргина «Столичний» арағидан тўрт қути турибди. Пештахтадаги «Столичний» арағининг нарх ёрлиғи йўқ. Агар содда одам келса сотувчининг оғзидан чиққан нархига олиб кетавериши турган гап.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бизга Тошкент шаҳар савдо концернидан изоҳ беришларича, ҳар қандай дўконда спиртли ичимлик савдоси учун махсус рухсатнома керак бўлади. Бу рухсатномани фақат шаҳар савдо концерни беришга ҳақли. Қолган бирор бир ташкилот ёки район ҳокимлиги бундай ҳуқуққа эга эмас. Афсуски, бу дўконда ҳам, худди шунингдек, Молия институти ёнбошидаги «Нилуфар» чекланган масъулиятли жамиятга қарашли «Руксона» тижорат дўконида ҳам спиртли ичимликларга бундай рухсатнома йўқ. Бироқ улар бемалол спиртли ичимликларни аҳолига сотмоқдалар. Яқинда Москва рўзномалари тижорат дўконларидан олинган қўлбола арақ ва коньяклардан одамлар заҳарланаётганлиги ҳақида ёзган эди. Бу бежиз эмас. Бунинг устига-устак институтнинг қоқ биқинида спиртли ичимликлар билан савдо қилиш талабалар тарбиясига салбий таъсир этмайди-ми? Шу боис яқинда Талабалар шаҳарчасидаги дўконларда спиртли ичимликларнинг сотилиши ман этилганлиги мақсадга мувофиқ бўлган эди.

«Руксона»нинг очилганига бир ярим ой бўлибди. Ҳали тушган даромаддан давлатга тегишли солиқ тўланмаган...

Хуллас, ишини тушуниб бўлмайдиган бундай тижорат дўконлари анчагина. Бас, давлат сиз тижоратчиларга шунчалик эркинлик, шарт-шароит яратиб берган экан, марҳамат қилиб олаётган фойдангиз ҳисобидан солиқни ҳам тўлаб қўйинг-да! Ёки тўйдирганнинг қорнига-ми?!.

Шу нарса аён бўлдики, айрим тижорат дўконлари ҳар ўн, беш кунда, баъзилари бир ойда, баъзилари бир ҳафтада даромад пулини банкка топширади. Тегишли ҳужжатларни сўрасангиз, қўлингизга бир даста товарнинг номи ёзилган квитанцияларни тутқазади. Умумий рўйҳат дафтарини эса турли баҳоналар билан яширишади. Албатта, аксарият жавобларга қараганда у катта идораларда ёки муассисда бўлади. Бухгалтерлар... фирмасига бериб қўйибди. Бу дўкон тор бўлса ҳам мол қалашиб кетган. Аҳолидан товар қабул қилиб оладиган хонада тўлароқ одам ҳатто бурилолмайди ҳам. Пештахталардаги молларнинг кўпи баҳолари кўрсатилмаган. Айқаш-уйқаш товарлар орасида кичик «Электроника» телевизори турибди. Нархини сўрасак, 10 минг сўм, сотилган, дейишди. Лекин сотилган молнинг гаров пули ва квитанцияси йўқ эди. Қоида бўйича шундай бўлиши керак.

Дўкон пештахтасида қоғози унниқиб кетган «Подарочная» шоколади турибди. Уфа шаҳрида тайёрланган. Ёзувига қарасак, кафолат муддати бир ой экан. Бу маҳсулот қачон чиққанлигини билиб олмайди. Дўкон олганига эса бир ярим ой бўлган. Дастлабки нархи 45 сўм, ҳозир эса 24 сўмга тушган. Дўкон раҳбари ўз айбини тан олиб, бизнинг кўз ўнгимизда 270 плиткали шоколадни савдодан олиб, «бекор қиламиз», деб ваъда берди.

Умуман бу дўкондаги нархлар жуда баланд. Бизнинг назаримизда бундай дўконлар рақобатсиз ишлаётганлиги учун шундай бўлаётган бўлса ажаб эмас. Дўконда ўзимизда ва хорижда тайёрланган спиртли ичимликлар ҳам сотувга қўйилган. Уларни сотиш юзасидан шаҳар савдо концерни рухсати борми?— деганимизда, дўкон директори муовини Виталий Калмиков лом-мим деёлмади.

Худди шундай манзаранинг бошқачасини Педагогика кўчасидаги «Барс» савдо-брокерлик уйига қарашли «Барс» тижорат дўконида (**раҳбари Д. Мирзаев**) кўрдик. Улар бизга Яккасарой райони ҳокимияти томонидан берилган рухсат гувоҳномасини кўрсатдилар. Аслида ҳоким ўринбосари бундай «справка» беришга бутунлай ҳақли йўқ. Афтидан бундай қоғозчалар текширувчиларни чалғитиш учун бир нималар эвазига ундирилаётган бўлса ажаб эмас.

Ҳатто ҳокимликда ўтирган мутасаддилар ҳам тижорат ишларини ё тушунмайдилар, ёки ўзларини тушунмасликка соладилар. Уларнинг айтишича, бу соҳа ҳали чақалоқ эмиш! Аслида, истаганча эмиб ётадиган «говмуш» десак тўғрироқ бўларди!

Шаҳар бедарвоза эмас. Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳар савдо концерни ва район ҳокимликлари қаёққа қарашяпти? Бу совуққонлик билан айрим ҳокимликлар халқнинг ҳурматини қачон қозона олади? Бир сўз билан айтганда, шаҳарда тижорат ишлари бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Унинг эгаси йўқ!

Мирза Улуғбек районидаги «Вита» кичик корхонаси воситачилик-тижорат ишлари билан шуғулланади. «Холис хизмат» қилмоқчи бўлган. «Вита» ўтган йилги фаолияти бўйича ўз ҳисоб-китобларини чунонам чалкаштириб юбордики, ҳатто ман-ман деган иқтисодчи, тафтишчи ҳам калаванинг учини тополмаслиги турган гап. Аммо район ҳокимиздаги айрим раҳбарларнинг фарзандлари ўқиб-ўрганиб, саноат корхоналарининг ишини юргизишга, мўмай пул топиш учун тижорат «дарё»сига калла ташламоқдалар. Учар ўғиллар ўз оталарини аллақачон йўлда қолдириб кетган кўринади?! «Содда-муғомбир» оталар эса зимдан «ҳайбаракалла, ўғлим!» қўшиғини баралла куйлашмоқда. Тойлар кишнар, от ўйнаган деб! Айтишларича, тижорат ишларида собиқ вице-президентнинг ўғиллари нафақат тижоратчиларга, балки барча-барча вазирларга оталари ўрнига бемалол дарс берадиган даражага етган эмиш. У зоти олий тижоратда аллақачон халқаро майдонда ҳам обрў қозонди ва минг-минг тонна ўзбек пахтасининг бошига сув қуйди! Биз бу ғоятда чуқур илдиз отган мавзу тагига сўрасангиз, дафтар директорда, деб важ қилади. Директор бир зумда қаёққадир ғойиб бўлади. Ўша квитанцияларни ким ҳақиқий ҳужжат, деб кафолат бера олади? Эмишки, мол сотилмади ва у эгасига қайтариб юборилган бўлади. Ваҳоланки, у мол аллақачон сотилиб кетган бўлади. Квитанция ҳам ғумдон қилинади, пули ҳам «арра» бўлади. Яна бир найранг, дўконда иккита қимматбаҳо костюм турибди. Агар унинг бири сотилса, ўрнига бошқаси қўйилаверади. Ўша квитанция эса «ишлайверади». Буни на солиқ, на давлат назорати ва на бошқа орган ходимлари тута олади.

Ҳамма бало шундаки, Тошкентда минглаб тижорат дўконлари тиғиз ишлаб турибди. уларнинг қўлида давлат банкига тушмаган ҳолда миллион-миллион сўм пуллар гирдобдек ёки ифодали қилиб айтганда, «Спортлото» гардишидаги соққалардек тутқич бермай махфияга хизмат қиляпти. Мустақил Ўзбекистоннинг мурғак халқ хўжалигини оёққа турғазиш зарур бўлиб турган бир пайтда бу пуллар кимларнингдир маишатига, фоҳишабозлигига, қиморбозлигига, дабдабали уйлар қуриб, шоҳона яшашига хизмат қиляпти. Ахир бундан ҳам ортиқ инсофсизлик, бадниятлик, борми ўзи, дунёда? Бу пуллар мустақил Ўзбекистон учун сув ва ҳаводек зарур-ку! Шундай ҳоллар борки, республикамиздаги қатор корхоналар, жамоа ва давлат хўжаликларининг ишчи ва хизматчилари нақд пул етишмаётганидан ўз вақтида маошларини ололмаяптилар.

Шаҳарнинг қоқ марказидаги «Гулнора» пойафзал дўкони ўз саҳнининг учдан бир қисмини «Флекс» тижорат ишлаб чиқариш Ўзбекистон Республика прокуратураси терговчилари қўмагида етармиз, деб умид билдириб қоламиз!

Афсуски, кўча-кўйда ҳар қадамда тарқидек сочилиб ётган каттакичик тижорат дўконларида фақат ёш болаларни кўриш мумкин. Ҳали уларнинг бирортаси савдо билим юрти тугул, савдо дўконида шогирдликни ҳам ўтамаганлар, мактаб партасидан тўппа-тўғри тижорат майдонига келишган. Улар қандай қилиб тижорат ишларини кўнгилдагидек юритишлари мумкин? Балки, республика тижорат дўконлари учун одоб, виждон, инсоф, сидқидил хизмат кўрсатиш таълимини олган ҳақиқий билимдон кадрлар тайёрловчи мактаб даркордир?

Тижорат дўконлари ўғрилик, харидор ҳақига хиёнат қилиш каби ярамас иллатлардан ҳам холи эмас. Масалан, «Орзу» кичик корхонасининг «Дархон» дўкони **мудири Сергей Рожков** ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиб, телевизорли видеомагнитафонни, банкали пиволарни, «Конгресс» сигареталарини уйига олиб кетган. Бу товарларнинг умумий баҳоси 30 минг 315 сўм. «Лекин» кооператив ресторанининг официанткаси **Венера Шоҳбозова** хўранда Р. Кукуевни 209 сўм 89 тийинлик ҳақига хиёнат қилган. «1-Денис» тижорат дўкони сотувчиси **Маъруф Қодиров** харидор С. Жўраевни эса 60 сўмга алдаган. «Ният» фирмаси дўкони сотувчиси **Отажон Воисов** фуқаро А. Абдухолиқовни нақд 183 сўм 60 тийинини уриб қолаётганида қўлга тушди.

Булар майда-чуйда гаплар-ку, деб айтарсиз. Лекин ана шу майда-чуйда ишлар катталарини бошлаб келади. Мирзо Улуғбек районидаги «Марказ—1-Б» мавзесида, шундоқгина 1-Май кўчасида жойлашган «Зафар» фирма дўкони фаолиятида жуда катта нуқсонлар бор. У февраль ойида Ўзбекистон кийим-кечаклар савдоси идорасидан 1 миллион 144 минг 306 сўмлик ҳар хил кийим-кечакларни 042061 рақамли накладной бўйича олган. Текширув пайтида шунча молдан 246.935 сўмлиги сотилганлиги аниқланди. Қизиқ, давлат савдо идораси молни кимга бериши керак, тижоратчигами, ёки ҳақиқий давлат дўконигами? Афтидан базадагилар мўмай пулни афзал кўрганлар, шекилли.

Суриялик фуқаро Касет Заки бу дўконга 576 метр газлама топширибди. Бир метри 500 сўм. Шунча товар божхонадан қандай қилиб ўтиб келди экан? Бу нархга қайси харидор уни дарров сотиб ола қолади? Бу иш билан ҳозирча тегишли органлар шуғулланаётгандир...

Бир нарсага ажабланасан, киши. Ҳозирда шаҳардаги деярли барча дўконларнинг номлари ўзбекчалаштирилаётган бир пайтда тижорат дўконлари «Барс», «Вита», «Сатурн», «Ирина» каби номларни қалаштириб қўйишмоқда. Бу қанақаси? Шаҳар шунчалик бедарвозами? Бундай ноўрин ишларга кимлар рухсат беришяпти? Ёки шаҳар районлари ҳокимликларидаги мутасаддилари бу ишларнинг бизга алоқаси йўқ, деб ўйлайдиларми?

Айниқса, Навоий кўчасидаги савдо растасида жойлашган воситачи ва тижорат шахсий дўконлари иши кишини таажжублантиради. Шайхонтоҳур райони мутасаддилари шахсий тижорат дўконлари учун соябонли дўкончалар қуриб берган. Унинг нархи 10 минг сўмгача етиб борган. Бу дўконларда савдо қилаётганларнинг бирортасида ҳужжат йўқ. Масалан, «Туркистон—Интернейшнл» қўшма корхонасига қарашли **Н. Қосимов** раҳбарлик қилаётган дўконда ҳамма нарса айқаш-уйқаш. Бир томони ўйин автоматлари, иккинчи томони воситачилик, учинчиси эса тижорат. Товарлар эса айқаш-уйқаш, бетартиб, нархи кўрсатилмаган. Молларни қабул қилиш журнали ва хонаси йўқ. Пештахтада Қуриядан келтирилган олти хил қимматбаҳо парча матолари уйқашиб, эзилиб ётибди. Ҳар метри 650 сўм. Ҳужжати йўқ. Бундай манзараларни ҳар қадамда учратасиз. Бу расталардаги савдо маданияти, осмонга ўрлаган нарҳлар харидорни ранжитишдан бошқа нарса эмас.

Бас, шундай экан, ҳеч қандай ҳужжати йўқ бу тижорат дўконлари давлат бюджетига солиқ пули ўтказади, деб ким кафолат бера олади?

Биз юқорида келтирилган фактлар хусусида қайси бир мутасадди ташкилотнинг раҳбарлари билан гаплашмайлик, уларнинг ҳаммаси, албатта, нимадандир ҳадиксираб, чўчиб, биз билан очиқчасига гаплашмадилар. Ҳатто айримлари исми-шарифларини ёзмасликни ўтиниб сўрашди. Ва шу билан бирга тижоратчилардан солиқ ундириш ўта қийин кетаётганлигини рўкач қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат банки ва Тошкент шаҳри давлат банкида, Тошкент шаҳар савдо концернида, шаҳар молия ва солиқ бошқармаларида ва уларнинг район бўлимларида ишлаётган ҳурматли мутасаддилар, бу қанақаси бўлди?! Сизнинг ҳадиксирашингиз боиси нимада? —деб сўрашга ҳақли бўлсак керак.

Тижорат ортида кимлар бор? Махфиями, қароқчими ёки ундан зўрроғими? Бундай ҳаракат, иш тутиш билан сизлар тижорат борасида қачон намунавий тартиб ўрната оласизлар?

**Ботир АЛМАТОВ,**
**Алишер КЛЕБЛЕЕВ,**
**Тошкент шаҳар иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси оператив вакиллари.**
**Ҳожиаҳмад ИЛЕСОВ,**
**Евдокия КОНДОВА,**
**Наум БАБИЧЕНКО,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорат қўмитасининг Тошкент шаҳар давлат назорати комитетининг жамоатчи ходимлари.**
**Абдулла ПЎЛАТОВ,**
**Тўхтамурод ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» газетасининг махсус мухбирлари.**

* * *

**1. Барча тижорат дўконларида асосан спиртли ичимликлар савлат тўкиб турибди. Аммо, нархига нарвон қўйиб чиқасиз. 2. Тошкент кўчаларида бодроқдек потирлаб кетган бундай тижорат дўконларида мурғак болалар «пул ўмариш» ҳунарини ўрганишмоқда. «Барс» тижорат дўконидаги мана бу ичимликларни сотиш учун тегишли рухсатнома йўқ ва кўпгина молларнинг нархи кўрсатилмаган. 3. Аксарият жойларда зарли матоларнинг нархи осмонда бўлгани учун ҳолига маймунлар йиғлайди.**

**Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.**

**ИЗОҲ: Ҳурматли муштарий, биз бир кунлик рейдимиз мобайнида тижорат дўконларидаги камчиликларнинг айримларигина кўришга муваффақ бўлдик. Улар билан ҳар кун кўришиб турган шаҳар ва район ҳокимларининг қаноатига баллие! Сиз яшаётган жойларда тижорат дўконларининг иши қандай? Уларнинг хизматидан мамнунмисиз? Умуман, тижорат дўконлари қандай ишлаши керак? Сизнинг фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз. Келинг, биргалашиб тижоратни хижолатдан қутқарайлик, инсоф, адолатга йўл очайлик!**

## «Ўзбекистон овози» материаллари изидан

# «ОШХОНАДАГИ ОЧКЎЗЛАР»

«Ўзбекистон овози», 25 июль, 1992 йил.

**Маълумки, рўзномамизда юқоридаги сарлавҳа остида рейд материали эълон қилинди, унда Тошкент шаҳар умумий овқатланиш тармоқларидаги камчилик ва нуқсонлар кескин танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан Тошкент шаҳар умумий овқатланиш давлат концернининг раиси Қ. Зоиров имзоси билан қуйидаги жавоб олинди.**

**— Тошкент шаҳар умумий овқатланиш давлат концерни ўзининг фавқулоддаги йиғилишида газета мақоласини кенг муҳокама қилди. Унда умумий овқатланиш тармоқлари фаоллари, айниқса ноҳиялар акционерлик бирлашмаларининг директорлари, уларнинг муовинлари, бош мутахассислар, ташкилий бўлимлари бошлиқлари, умумий овқатланиш корхоналари раҳбарлари, кенгаш аъзолари, концерн бўлимлари бошлиқлари, «Ўзбексавдо» ассоциацияси раисининг муовини А. Ҳидоятов, Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги аҳолига хизмат кўрсатиш комплекси раҳбари А. Раззоқов, «Ўзбексавдо» ассоциацияси умумий овқатланиш бошқармасининг бошлиғи М. Носирхўжаева, шаҳар СЭСи бош врачининг муовини Б. Тожихонов иштирок этдилар. Мақолада кўрсатилган камчиликлар тўғри, деб топилиб, камчиликлар юзасидан Собир Раҳимов, Миробод, Бектемир ноҳиялари акционерлик бирлашмалари раҳбарларининг маълумотлари тингланди.**

**Кенгаш умумий овқатланиш корхоналари иши устидан назорат олиб бориш йўналишида конкрет чоралар ишлаб чиқди.**

**Мақола материалларига асосланиб, давлат концернининг 1992 йил 28 июлдаги 43-буйруғи билан Собир Раҳимов, Миробод, Бектемир акционерлик бирлашмалари раислари М. Н. Тикова, Н. С. Ғиёсов, Ж. Х. Ҳусановларга ҳайфсан берилди. Агарда айтилган нуқсонлар тез кунларда бартараф этилмаса, уларга бошқа қаттиқроқ маъмурий чоралар кўрилади.**

**Шунингдек, мақола район акционерлик бирлашмалари умумий овқатланиш ишчилари иштирокида ҳам муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорларга биноан «Райхон» ошхонаси ошпази С. Исмоилов ишдан бўшатилди. Чойхоначи И. Сандов ўз хатоси учун бир ойлик муддатга ошхона ишчиси лавозимига ўтказилди. Ошпазлар бригадири А. Отажонов қаттиқ ҳайфсан билан «снйланди». С. Раҳимов район акционерлик бирлашмаси директори ўринбосари А. Акрамовга назоратни кучайтириш топширилди.**

**Миробод районидаги 13-ошхона мудири А. Маҳмудовга ҳам қаттиқ ҳайфсан берилди. Бектемир районидаги 1-ошхона ошпазлар бригадири Рустамов ҳам уч ой муддатга паст лавозимга ўтказилди. 1-ошхона мудири Х. Мансуровга қаттиқ ҳайфсан берилди. 2-ошхона ошпазлар бригадири А. Авезовнинг лавозими ҳам пасайтирилди. Энди уч ой ишчи бўлиб ишлайди.**

**Сотувчи З. Сарсенбоева палагда тухум сотгани учун қаттиқ ҳайфсан билан «снйланди». 2-ошхона мудири Рустамхўжаев эса назоратни суст қўйгани учун қаттиқ ҳайфсан олди.**


## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

**АСАЛАРИЧИЛИКНИ ЎРГАНИНГ!**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ 19-ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

1992—1993 ўқув йили учун 10-синф ҳажмида маълумотли 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни

**АСАЛАРИЧИЛИК**

мутахассислиги бўйича

**ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Ўқиш муддати — 10 ой. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат фаолиятига киради. Билим юртини имтиёзли битирган ўқувчиларга асаларичилик олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади. Улар институтга конкурсиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, талабалик гувоҳномаси билан таъминланадилар.

1993 йил 1 апрелдан ишлаб чиқариш практикасига юборилади.

Жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишлаб чиқариш практикасига ҳамда ўқишни тугатганларидан сўнг ишга юборилади. Ўқувчилар практика даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар. Ўқишни битиргандан сўнг ихтисослик бўйича диплом берилади.

Ўқиш 1992 йил 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

Билим юрти директори номига ариза, таржимаи хол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида шаҳодатнома, тафсифнома, турар жойидан маълумотнома, 3х4 катталикдаги 10 дона сурат, тиббий шаҳодатнома (086-У андозада), хўжаликдан йўлланма.

Ҳужжатлар 30 августгача қабул қилинади.

Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент райони, А. Абдураҳманов номли давлат хўжалиги, 2-бўлим, 19-ЎХТБЮ.

Телефон: 56-689 (Билим юртига келиш учун Тошкент метросининг «Чорсу» бекатидаги автостанциядан 466 ва «Тошкент-Серёгоч» автобусларига чиқиб 19-ЎХТБЮ бекатига келинади).

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг**
**1-КЛИНИК ШИФОХОНАСИ**

— жигар, жигар ўт халтачаси, ошқозон-ичак, ошқозон ости бези, катта ёшдагилар ва болаларда — юрак, асаб, буйрак, сийдик йўллари, сийдик пуфаги, тўғри ичак, бавосил касалликларининг турларини ҳамда аёллар касалликларини аниқлаб беради. Уларни даволаш учун шифохонада пуллик хизмат қилиш бўлими ишлаб турибди.

Хасталик ташхизини (диагнозини) аниқлашда чет элда ва ўзимизда ишлаб чиқарилган энг замонавий тиббий асбоб-аппаратлардан фойдаланилади.

Беморларни қабул қилиб ташхизини аниқлаб, даволашга Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳининг тажрибали олимлари—профессорлар, доцентлари билан бир қаторда республикамизнинг етакчи тиббиёт мутахассислари таклиф қилинган.

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Клиник шифохона шароитида беморларни текшириш ҳамда даволаш учун корхона ва ташкилот раҳбарлари билан шартномалар тузади. Шифохона ташкилотлар билан келишилган ҳолда алоҳида касалларни даволаш учун ҳам шахсий шартнома тузади. Беморлар клиника билан келишилган холда пул тўлаш йўли билан даволанишлари мумкин.

Корхоналар шифохона билан шартномада келишилса, шифохона мутахассислари корхоналарга бориб беморларни текшириб даволанишга муҳтож касалларни клиник шароитда даволайдилар.

Манзилгоҳимиз: 700107 Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси 2-уй.

Телефон: 77-59-74.

ШИФОХОНАГА

Тошкент шаҳрининг «Жанубий» темир йўл вокзалида Фарҳод кўчасининг иккинчи бекати орқали борилади.


## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси нашриётнинг кекса ходими, журналист, меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Туйғун Алиевич ИСАМУҲАМЕДОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош уруғларига таъзия изҳор қилади.

«АЗИЯ ЮНИТИ СИСТЕМС» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори А. А. Зокировга отаси

**Абил ЗОКИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Маҳсулотларни тайёрлаш ва сифати бўйича давлат назирлиги бош бошқармаси жамоаси аъзолари Денов райони давлат назирлиги раҳбари

**Ғанижон МУҲАММАДИЕВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Санъатшунослик илмий тадқиқот институти жамоаси институт катта илмий ходимаси М. Т. Тўлахўжаевага онаси

**Тамара Иосифовна ТЎЛАХЎЖАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳузуридаги колхоз ва совхозлар тарихи институти жамоаси институт бош муҳаррирининг ўринбосари Р. Маденовга акаси

**Тўлибой МАДРАИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси университет қошидаги чет тиллар ўргатиш марказининг проректори

**Ғулом Мадраҳимович ҲАМРАҚУЛОВнинг**

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти раҳбарияти ва жамоаси ташкилотлари фалсафа кафедрасининг мудираси, доцент Д. Л. Аъзамхўжаевага онаси

**Махбуба Бобобек қизи БАДАЛОВанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32 № 155. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12